

Македония билан Ўзбекистон ўртасидаги маданий алоқалар йилдан-йилга анъанавий тусга кириб бормоқда. Кейинги беш йилликда Македония шоирларининг шеърлари ўзбек тилида ва ўзбек шоирларининг шеърлари македон тилида нашр этилди. Скопје ва Тошкент биродарлашган янаҳарларга айланди.

Мазкур Антология македон шеърляти-нинг анъаналари ва босқичлари тўғрисида



шеър ихлосмандларига бирмунча тўла тасаввур беради. Мажмуага турли авлодларга мансуб бўлган шоирларнинг ижодидан намуналар киритилган бўлиб, уни Македония ижодкорларининг ўзлари тайёрлашган.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Антологияни тайёрлашда кўрсатган хизматлари учун Влада Урошевич ва Дима Толовски ўртоқларга миннатдорчилик билдиради.

*Македонија шеърияти  
антологияси*

# Македония шеърляти антологияси

## ҚАЛЪА

Македония шоирлар ўлкаси ҳамдир. Бу юртнинг шеърлятга печоғлик шайдо эканлигини биргина мисол билан исбот этиш мумкин. Ҳар йили, Македониянинг Струге шаҳрида, гўзал Охрид кўли соҳилида жаҳон шоирларининг мушоираси ўтказилади.

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1984

Тўпловчи ва изоҳлар муаллифи — В. УРОШЕВИЧ

Сўзбоши муаллифи — А. ОРИПОВ

Македон тилидан русчага сўзма-сўз таржималар  
муаллифи Д. ТОЛОВСКИ

Рассом В. НЕМИРОВСКИИ

С  $\frac{4703000000134}{M352(04)-84}$  114—84

Бу китобни нашриётнинг эксперименталь — графика бўлими беазаган

© Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 (тарж.)

## Қадимий ва навқирон ўлка шеърияти

Европанинг Болқон ярим ороли марказида, Югославия Социалистик Федератив республикаси составида Македония республикаси бор. Унинг табиати ғоятда гўзал. Ҳамиша кўм-кўк ясси тоғлар, қуюқ арчазорлар ва анвойи гуллар билан ўралган мовий кўллар, тиниқ дарёлар македонияликларга ҳам, унинг меҳмонларига ҳам донмо илҳом бағишлаб туради.

Македония халқи Европа ва умуман, славян маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшолган қадимий халқлардан биридир. Бу ўлкада фан, маданият, санъат азалдан ривож топган. Кўҳна қасрлар, халқ ҳунармандчилигининг бугунгача сақланиб қолган анъаналари македонияликларнинг миллий ифтихори ҳисобланади.

Европада муҳқиш фашизм бош кўтарганда Болқон яримороли халқлари ҳам, жумладан македонияликлар ҳам кўлларига қурол олиб ёвуз балони даф этишда мардонавор кураш олиб бордилар. Умуман, Македония халқи олис тарих сўқмоқларида ҳаминша босқинчилар билан олишиб келган бир халқдир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқлар иродаси туфайли Югославияда, унинг бир қисми бўлмиш Македонияда социалистик тузум қарор топди. Македония шоирлар ўлкаси ҳамдир. Бу юртининг шеърятга нечоғлик шайдо эканлигини биргина мисол билан исбот этиш мумкин. Ҳар йили, Македониянинг Струге шаҳрида, гўзал Охрид кўли соҳилида жаҳон шоирларининг мушоираси ўтказилади. Бу улугвор анжуманга — байрамга жумладан Совет шоирлари ҳам таклиф этилади. Струге мушоирасининг ўз лауреатлари танланади. Ажойиб меъморий дид билан қурилган шеърят саройида лауреатларнинг суратлари осғлик турибди. Уларнинг сафида Пабло Нерудадан тортиб Роберт Рождественскийгача бор. Мен ҳам ана шу мушоираларда қатнашиб, шеър ўқиганман.

Йироқ Европада, Охрид баҳрида  
Жаҳон шоирлари жам бўлган оқшом  
Кимдир шеър ўқиди бошоқ ҳақида,  
Ризқини тавиди ҳамма шу айём.

Фаластинлик шоир арз этди додин,  
Мен ҳам одамман деб, бўлай деб отлик.  
Сўнг дарё қаърига отди китобин,  
Унинг бир талаби эди озошлик.

Бу сатрларни ана шу саёҳат чоғида ёзган эдим. Юқордаги мисолни келтиришимдан мақсад Македония хал-

қипинг адабиётга, шеърятга қанчалик берилганини эслатиб ўтиш эди. Дарҳақиқат, бутун саёҳатимиз давомида саноат корхоналари, қишлоқ хўжалик муассасалари, олий ўқув юртларида халқ бизни қувонч билан кутиб олди. Биз Социалистик Югославиянинг ажраимас қисми Македониянинг гуллаб-яшнаётганига гувоҳ бўлдик. Делегациялар сафида Ўзбекистон вакилига сўз берилганида халқ юзида ширин бир табассум пайдо бўлганини мен кўп кузатдим. Бунинг, албатта, Сизга маълум сабаблари бор. Македония Ўзбекистон билан борди-келди қилиб туради. Ҳар иккала республика юксак партия-ҳукумат делегациялари даражасида ҳам бир-бирини йўқлаб турадилар. Маданият, санъат арбоблари эса донимий равишда алоқададилар. Ижтимоий тараққиёт, халқлар ўртасида дўстлик, мустақкам тинчлик учун кураш бу каби алоқаларнинг негиз мазмунини ташкил этади. Македонияда ўзбек адибларининг кўпгина асарлари чоп этилган. Ўзбек шоирларининг шеърларидан тузилган Антология ҳам мавжуд. Бу каби эзгу ишлари учун македонияликларга яна бир нарра раҳмат айтмоғимиз керак. Ўз навбатида ўзбек адиблари ҳам македониялик ҳамкасбларининг асарларини мутасил таржима қилиб келадилар. Қўлингиздаги китоб ҳам қардошлигимизнинг меваларидан биридир.

Социалистик ҳамдўстлигимизнинг, жумладан, Югославия халқларининг эришган ва эришяётган ютуқлари барчамизни қувонтиради. Адабиёт эса халқларни бир-бирларига яқинлашувда бебаҳо роль ўйнаб келаётир. Македония шоирларининг шеърятини чиндан ҳам ўзига хосдир. Биз бу шеърят гавжида қадимий анъанавий услубларни ҳам, энг замонавий шакл изланишларини ҳам учратамиз. Шоирнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, унинг юртига бор, деган гап мавжуд. Уни сал ўзгартириб, шоирнинг юртини билмоқчи бўлсанг, унинг ижодини ўқиб кўр, дейиш ҳам мумкин. Ушбу тўпламдаги энг гўзал шеърлар сиз билан бизни хаёлан бўлса-да дилбар Македонияга элтса ажабмас.


*Абдулла ОРНПОВ,  
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР  
Давлат мукофоти лауреати.*



Македония шеърляти  
антологияси

## КОЧО РАЦИН

1908—1943



Шоир, носир, қатор  
бадиҳалар муаллифи.  
Биринчи шеърларини  
серб-хорват тилида битган.  
Уларни «1932» деб аталган  
умумий тўпламда чоп  
этирган. Сўнг шеърларини  
македон тилида бостира  
бошлаган. Унинг  
«Оқ тонглар» (1939) деб  
аталган ягона тўплами  
македония шеърляти  
ривожда ўзига хос ўрин  
тутади. У македония халқи  
тарихи ва адабиётига  
алоқадор бир қатор бадиҳа  
(эссе)лар ёзган. Югославия  
Коммунистик партиясининг  
аъзоси эди. Фашистлардан  
озод қилинган  
территорияда, партизанлар  
базасида вафот этди.



## Ленка

«Билана эн оқартирарди...»  
Халқ қўшиғи

Тўқилмасдан дастгоҳда  
чала қолди Ленканинг  
нафис канои қўйлаги.  
Фабрикага ёлланиб,  
тамаки ўрар бўлгач,  
кўзлари хира тортди,  
салқиди қовоқлари,  
пўст ташлади лаблари.

Тамакили аччиқ чанг  
деб туғилганмиди ул?  
Тамаки — захри олуд,  
гул сийналар заволи!

Пил ҳам ўтмай сўлди қиз,  
ранг қолмади рангида.  
Дардга дучор бўлди қиз,  
қуриб тинка-мадори.  
Адо қилди сил уни,  
қора ерга кирди қиз..

Тунда қабри узра ой  
ипак чойшаб ёзади.  
Майин шамол қайғули  
қўшиқ куйлаб эсади:

— Битмай қолди не учун,  
Ленка, никоҳ қўйлагани!  
Қаро ерда қайрилди  
гулдан нозик билагани!..

*Ойдин Ҳожиева таржимаси*

## Стругада устахонам бўлсайди...

Ҳунар — нақд олтин.  
Халқ мақоли

1

Енгил, қизгин ҳавасларим, ён!  
Куйиб қулга айлан бу замон!  
Моҳир ҳунармандлар қалбида  
уйғотмагил аччиқ пушаймон.



Бу не оғир, не қора замон?  
 Кўлфат тушди бошларга ёмон!  
 Ўз қалбимиз билан олишиб,  
 бўлмақдамиз кунба-кун хазон.

Ҳасрат тўла қўшиқлар нечуи?  
 Мана, барги резон фасли куз.  
 Салқин сувлар ювиб қирғокни  
 майсаларни кетар оқизиб.

Савдо-сотиқ топди фаторот,  
 бўм-бўш бўлиб қолди дўконлар.  
 Ҳўчди бундан файзу тароват,  
 занглаб қолди бу олтин ҳунар!

## 2

Бир замонлар... тимлар, расталар,  
 қизигандан-қизирди бозор.  
 Оша-тоша эди бир маҳал  
 ҳар гузарда тим-тирс бир омбор.

Ғала-ғовур савдо маҳали  
 расталарни юрсанг айланиб,  
 қути тўла тилло тангалар  
 жарақларди пештахталарда.

Биз ўзимиз пойафзал тикиб,  
 ясар эдик машрафа<sup>1</sup>, чўкич.  
 Меҳнатга ўч шу қўллар билан  
 тиклар эдик оппоқ шаҳарлар.

Вайрон этиб баланд уйларни,  
 дўконларни бузиб кетди ким?  
 Шаҳримизни ўлат ютгандек  
 харобага айлантирди ким?

## 3

Қош қорайиб, кеч тушган маҳал  
 бу ташландиқ ерни излаб кел.  
 Ҳатлаб чирик остоналардан,  
 бу кўримсиз қулбамга киргил.

Ва елкангдан тошдай босиб ғам,  
 хароб бўлган дўконда ўлтир!

<sup>1</sup> М а ш р а ф а — шароб сақланадиган бочка, шаробдон.

Қайда шодлик, шукуҳли даврон?  
Сўргил, қайда обод хонадон?

Ўнимжит! Увлар тубсиз сукунат,  
гирдобига гортар жаҳонни!  
Ёраб! Улат чалғисин сермаб,  
ўриб кетмиш бор тирик жонни!

Тош кўчада ерни ўйгудек  
тақ-тақ қилар нағал пошналар,  
Сукунатни тилиб пичоқдай,  
алвон шароб сипқорар улар!

Қулоқ бергил, боғларда гуллар  
ўтиб кетган олтин дамлару  
сўнгсиз севги онларин қўмсаб  
шивирлашар зулумот билан.

#### 4

Шароб тўла машрафалар ҳам  
эртак бўлиб қолдилар бугун,  
юракларда муз бўлиб қотган  
кўнгилларни эзувчи эртак!

Зах, зимзиё омборлар ичра  
темир гардишлари занг босиб,  
қуртлар тушиб ёғочларига  
чириб ётар энди улар!

Гумбаз каби машрафаларни  
ясамайди янгитдан ҳеч ким.  
Алвон, ширин майлар уйларда  
қадимгидай турмайди лим-лим.

Тунда эса машрафаларни  
тарақлатиб урар соҳиблар.  
Қочипади қўрқиб болалар,  
тушга кирар ўтган замонлар.

#### 5

Банклар қаср тикладилар,  
тўсдилар сим деворлар.  
Банклар қаср тикладилар,  
сўнгра баланд минорлар,  
қуббаси кўк тоқида,  
тамали ер қаърида!

Улар сўрди бор кучимизни,  
қоқиб олди илигимизни,  
Меҳнатимиз болини еб улар,  
азобини қолдирди бизга.

Банклар, янги имом банклари,  
баланд қаср тикладилар.  
Энди этик тикар бошқалар,  
чўкичда гўр қазирлар бизга.  
Бу замонда хор бўлди энди  
бизнинг ҳалол, олтин касбимиз.

## 6

Кўчага чиқ ёғоч бошиқда  
соҳибжамол суюк Фиданча,  
Мен дарчада ўтирган чоқда  
расталарни бир айлашиб чиқ.

Агар сенга назар ташласам,  
оқиб тушсин, майли, кўзларим!  
Кўзларимни сенга кўтарсам  
сиңа қолсин, майли, қўлларим!

Тириклайин кўмпилганимдан  
хижолатга ботсам мабодо  
ўзинг айт-чи, ахир Фиданча,  
мен юзимни қайга яширай?

Мен қўли гул ҳунарманд эдим,  
бошлиқ эдим, энди-чи, қарам:  
устахонам, асбоб-ускунам  
қарзларим деб сотдим барчасин!  
Қолди фақат шу икки қўлим,  
ишсиз қуриб қолар улар ҳам!

## 7

Бу ҳасратдир, доғи кўп ёмон,  
мени ўртаб, қилди ўйинчоқ.  
Муҳаббатим оғир ва улқав,  
рад этилмоқ ундан оғирроқ.

Қани келтир арғувоний май,  
майли, қарзга қуйгил, сипқорай!  
Қирол Марко қилчини қелтир,  
тоблайлик бир!

Кўк ўрмонлар тўкади япроқ,  
омборларда чақилар чақмоқ.

Яйловларда қўзичоқларнинг  
 боши узра ярқирар шичоқ.  
 Устахонам бўлсайди кошки  
 Стругада — шу ёлғиз армон!  
 Пештахтага суйниб шунда  
 сўнгра майли, берсам эди жон!  
 Етарманми ўша кунларга!

*Ойдин Ҳожиева таржимаси*

## Қўшчилар

Чекинади қоронғу тун.  
 Нураб тушар қоядек зулмат.  
 Хўрозлар қичқирар қишлоқда,  
 тонг туғмоқда:  
 чўққига тизилиб сачрар қоғ,  
 чарақлаган

беғубор

кундуз

симиради зимзиёликни.

Уйғонинг,  
 тинкаси қуригап  
 қора

меҳнат

кишилари,

эркак-аёл қўшчилар!

Неча аср уқубат чеккан  
 бизлар

энди йўлга тушайлик:

бир бурда қотган нон учун  
 пасту баланд қирлардан,  
 теп-текис далалардан  
 елкаларга чўкич ташлаб  
 ўтайлик,  
 ёруғ кундан умид кутайлик!  
 Богомил бобонинг ерлари  
 майин, қумоқ тупроқ,  
 етилиб, тобга келиб,  
 уруғ сочсанг гуллагудай бўлиб,  
 эрмону буғдойиқ,  
 қайир томирларини  
 қирқсин дея,

чўкичларнинг

ўткир дамип кутмоқда.

Енг шимаринг, ишга!  
Меҳнатга!

Шу она-Ерга биз эгилайлик,  
майин-майин қилиб чопайлик,  
бағрида етилган нозу неъматлар:  
тамаки, буғдой ва кўкноргулини  
кўзга суриб, ўнайлик!

Сув очайлик, оқсин жилдираб,  
ям-яшил қушчалардек  
шоли майсалари  
бошоқ тортсин яйраб, гуркираб!

Енг шимаринг, ишга!  
Меҳнатга!  
Баракали, чўнг бўлсин хирмон!  
Янги ҳаёт кулсин ал-амон!  
Кули кўкларга соврулсин  
Қорамуғ, чапгалзор, эрмон!

Токи янги кўчатлар  
томір ёйсин чуқурроқ.  
Тана қўйиб, юксалиб,  
шоҳларда ширин-шакар  
мевалар тугсин там-там!

Ёввойи алафлардап  
тозалаб қадам-қадам,  
омоч билан юмшатсак  
олтин тупроқ бағрини,  
топамиз ризқ, саховат!  
Шунда қора тер билан  
юрақлардап қайғу-ғам  
тўқиягай она-Ерга!  
Бизларга бўйинтуруқ  
солган оғир ҳаёт ҳам  
йўқолгай бир умрга!

Бу сафоли саҳарда  
чўкичларнинг ҳамжиҳат  
қўшиғи жарапгласин!  
Қасос ўти гурласин  
тўлқинлаган ёш юрақларда,  
шамол теккан кенг кўкракларда!  
Кўлфатдап чиқмас бошлар,  
кўрмадик ҳеч ёруғ кун!  
Тўқдик аччиқ кўзёшлар,  
ширин бўлмади лекин  
бу заққум ҳаёт!

Енг шимаринг, ишга!  
Меҳнатга!

Ер юзида  
минг-миллионлаб жон  
биздай полон,  
биздай беҳуқуқ  
қора  
меҳнат  
кишилари!

Келар бизнинг эркин давр ҳам!  
Шараф бўлсин у қутлуғ кунга!  
Ва биринчи озод қадамга!

Гумбур-гумбур чақади чақмоқ!  
Олтин қуёш чиқади порлоқ!  
Янчилгуси шармисор зулм,  
пурга чулғаб бутун жаҳонни  
янги ҳаёт балқади сўлим!

Ва ўшанда тошқин дарёлар  
мангу Ажал жасадларини  
йўқлик сари оқизиб кетар.

Очу наҳор,  
ярим яланғоч,  
дунёдаги барча  
зор, муҳтож  
эркак-аёл қўшчиларининг  
тошган сабри,  
жўшган қуввати —  
тўлқин урар ул баҳрул ҳаёт!

Чекинади зимзиё тун,  
нураб тушар қоядек зулмат.  
Хўрозлар қичқирар қишлоқда.  
Тонг туғмоқда:  
тизиллаб чўққига сачрар қси,  
қаҳва каби сиқорар тушини  
чарақлаган  
беғубор  
кундуз!

*Ойдин Ҳожиева таржимаси*

Македония шеърляти  
антологияси

## СЛАВКО ЯНЕВСКИ

1920



Шоир ва ёзувчи. Кўплаб романлар, ҳикоялар тўпламлари, йўл очерклари, киносценарийлар ва болалар учун китоблар ёзган. Бир қатор кинофильмлар муаллифи бўлган бу адиб рассомчилик билан ҳам шуғулланади. Халқ озодлиқ ҳаракатининг ашаддий курашчиси. «Қонли тизим» (1945), «Ешлик йўли» (1946, Ацо Шопов билан биргаликда), «Шеърлар» (1948), «Егейнинг бекорчи эртаклари» (1950), «Лирика» (1951), «Нон ва тош» (1957), «Айёр Пётр ҳақида инжил» (1966), «Канинелия» (1968), «Қишандаги олма» (1978), «Астропеус» (1980), «Ўйинчоқ плонлар» (1983) шеърӣ тўпламларининг муаллифи.

## Мезон

Бир қарич ер, бир парча дала  
 иякда уйқу  
 денгиздан томчи  
 хирмондан  
     бир сиқим тилларанг жавдар  
 бир қатим ипу  
 қалдироқ нафаси  
 шамол бўғизда  
 қақраган қудуқ  
 оч, ташна пода —  
 мана, Македониянинг бор бўйи бастиди!

*Алим Суён таржимаси*

## Жами уруш қурбонларига

Биллионлаб бошлар ётар тошлар ва қумлар аро,  
 кўзларнинг косасидан бошпана топмиш вабо.  
 Не-не ҳаётлар сўнди. Жонли тан кўринмас бир,  
 ялтираб турган осмон тоқи ҳам сўнаёттир.  
 Қузғунлар олазарак суякларнинг устида.  
 Бу шаҳидлар онамининг ўғли эди аслида.

Дил таскинни деб ўғлон ичар кўширган шароб,  
 қоп-қора қондан эрур тиззасигача ҳалқоб.

Марҳумнинг кенг кафтига нур игнаси санчилар,  
 лекин унинг панжаси сезмайди ҳеч нарсани.  
 Қобирғалар тўрида чириёттир юрак ҳам,  
 ёвузлик қаҳқаҳаси юксалмоқда дам-бадам.  
 На халжар бор, на уйдан чирик белда асорат.  
 Бу шаҳидлар онамининг ўғиллари эди мард.

Қизарган кафтларига қобра қуядир шароб,  
 қадаҳ кўтарар ўғлон қондан белгача ҳалқоб.

Сўнгаларнинг бошида пессик шамол ҳукмрон,  
 шошилмас ҳеч қаёққа. Қайга ҳам шошар улар?  
 Ўлик бошларни оташ пармалайди беомон,  
 ичида қашқир ниҳон — дардли-дарлманд увиллар.  
 Ёвузлик ёвузлик-ла ичмас басма-бастига.  
 О, шаҳидлар онамининг ўғли эди аслида.

Марҳумлар отлападир солиб жанглари томон,  
 мен қадаҳ кўтараман, онам, юраккача қон.



Бунда ҳамма пчади — тириклар ва марҳумлар,  
 чумолилар тўдаси ўрмалайди томоқда.  
 Ўликлар ибодати — рақсга тушган қумлар,  
 рақс яширар газабу жаҳолатни юракда.  
 Ўлик маммалар, она, ўлик лабни эмизар,  
 бу ўликлар онамга қашшоқ ўғил эдилар.

Совуқда тепамиздан эсар бир оғриқ ёлқин.  
 Тиш қонга белангунча қабр қазийман бетин.

О, ўлим доим барҳақ! Асрлар сузиб борар  
 нафрат, муҳаббат сари, покиза оқлик сари.  
 Қуртаклардай шубҳасиз, янгиликлар туғилар,  
 Ейилиб ўсаверар ҳаётнинг томирлари.  
 Айқаш-уйқаш кўзимнинг ўнгида бу марҳумлар.  
 Бари шаҳид. Онамнинг ўғли эдилар улар.  
 Мен — шаҳид. Жом кўтаргум гулу тиканлар аро.  
 Эшитмоқдамсан, о, эй бизнинг боқий она?!

*Азим Суюн таржимаси*

## Тош ҳақида баллада

Бир Тош тошлар орасидан  
 тош аёлни қазиб олди:  
 оқ тошдан шилади  
 чап маммасини,  
 эммоқ учун опшоқ сутидан.  
 Тош бошини қўйди ўнг маммасига —  
 тош устида тош тушлар кўрар.

Эгиз маммаларга тегина-тегина,  
 аёлни ҳомиладор этди:  
 тош тошга тегса, бас —  
 тош туғилади.

Тошни туғар, шубҳасиз, ҳар тош.

Мана, кўтариладди тош қўрғонимиз:  
 ичи тош,  
 тани тош.

Фақат юрак тенар.  
 Тирик бир юрак.

*Муҳаммад Солиҳ таржимаси*

## Одний қўшиқ

Кузги япроқларнинг зарҳалларига  
 оппоқ кулчанонни тўшаймиз  
 ва бошлаб келамиз қобоқлари мовий  
 яшил сочли раққосаларни.  
 Уларнинг маммаси учида  
 оқ қайини шарбати йилтиллаб турар,  
 томилари кўрингай шаффоф баданларида  
 мажнунтол чивикчаларидай нафис  
 бу баданлар-тиллараг бахмал,  
 қўриқлаб турарлар  
 тилла бошли қушлар меҳрини.

Шундай, кўнгилларни очиб ташлаймиз,  
 кашф этамиз ўзни қайтадан,  
 токи биздаги бу қора булутлар  
 тинчлансин,  
 сурат каби бир шаклга кирсин,  
 чорчўпдай беркитсин бу булутларни  
 биздаги эҳтирос ва биздаги қон.

Токи субҳидамда улар кетаркан,  
 оғирлашиб жўнаб кетаркан,  
 ёмғирнинг остида тиз чўксин деҳқон,  
 юзини қаратсин буғдойга томон,  
 қўшиқдай ўсаётган буғдойга боқсин.

Лекин деҳқон, фақат деҳқон...  
 Биз бўлса, денгиз фарзандлари.  
 мовий зиёфатга чорлов эшитамиз,  
 чўкканларнинг мовий зиёфатига.

*Муҳаммад Солиҳ гаржимаси*

## Осмон буржидан ўз-ўзини қувганлар

1

ЧАЁН мени чангалига олиб қисар.  
 Мен бураб сиқаман унинг думини.  
 Кумушранг чаён қовурғамни синдирад.

2

Менинг қоним оғир жуда:  
 Биринждир, ёқутдир. ТАРОЗИда ўлчаб бўлмайди уни.

3

Күйиб кетган гүшт.

Күйиб кетган гүшт бурқспр.

Сутрапг кўкракли мармар ҚИЗ

менинг юрагимни сўрайдир.

Умидлари бекор. Суякларимни беришим мумкин унга.

Ахир, менинг суякларим қолгандир холос.

4

АРСЛОН ёнгинамдан ўтиб борар қуюқ туманлар аро.

Мен унинг ёлларидан тортаман.

Арслон бошимни узиб олар қуюқ туманлар аро.

5

ҚИСҚИЧБАҚА ложувард оқшомда чиқиб ҳалқобдан.

Мен қисқичин узаман унинг. У-чи,

ичакларимни ўраб олар шу топда,

ложувард оқшомда қисқичбақа.

6

Урадилар. Ураман.

Мен ёпишқоқ ЭПИЗАҚларнинг қурбониман. Кўзим кўр.

Тамом. Улар мени иккига бўлар.

7

ҲУКИЗ бўкирар мени икки шохига илб.

Мен нўхтаман.

Нўхтамни тиқиб ўтказаман унинг бурунларидан.

8

Ўпкамни суғуриб олмоққа қодир —

гўрковимдир тилла шох ҚУЧҚОР.

Қора шохин синдиргум бир шом.

9

Сувга,

қопга

ташна БАЛИҚ

Ичимни рандалар алам.

Қанотларин ғажиб ташлайман

сувга ташна балиқнинг бир кун.

10

Кўлмакчадап сув сачратар менга АҲДАҲО.  
 Кўзларини нчаман унинг.  
 Ақлим аждар каж сувини қилгайдир бекор...

11

ТОҒ ЭҶКИСИ — сайёралар тенгқури.  
 У мени шохлар.  
 Икки ёвлашган бош. Ёрилмоғи керакдир бири.

12

Ҳамма жойим яра-чақа. Ҳамма жойим.  
 Хотиралар ва яралар  
 бари КАМОНдан.  
 Ҳамма жойим яра-чақа.

*Азим Суюн таржимаси*

## Орзулар

Минг йиллик минорда чириёттир юрак,  
 танбурда  
 бир яланғоч пари —  
 узилмоқда танбур торлари.

Астропеус, афсонавий Гетор Пеё,  
 яланғоч аёл,  
 сенинг кўкрагингда ёзилган  
 бир истакни ўқир, ботин хаёлни.

Узук,  
 узукда — юрак,  
 юракда — минор,  
 минорда — бир қуш,  
 қушда — бир юлдуз,  
 юлдузда — аёл.

Синиқ чеҳра ошини, Чўлпоннинг ўғли,  
 бунча узоқ чўкмасанг қаҳқашон аро!

*Муҳаммад Солиҳ таржимаси*

## Афсунгар

Минор тепасида минор тиклар у.  
Уруғ сепувчига монанд кенглик билан  
булутлар кўрпасин ёпар минорга.

Кейин кўрпа узра янги минор тиклаб,  
пастларга боқди юксаклигидан.

Бу баланд бўй одам  
ўзидан ҳам балаandroқ туриб,  
аста ушлаб кўрар заминни.  
Шу заҳот қурғоқ ердап ток уна бошлар.  
Узум шингилдан кўршапалак учиб чиқар,  
ҳар бир кўршапалак ичида  
яшар гала-гала ўзга қушчалар.

Узумини еб,  
нега илдизини суриштирмайдилар?  
Бу илдиздан сарв ўсар дарров:  
яланғоч бир келин  
керишмоқда, ана, ўз уясида,  
Она қорнидан чиқиб ранглар пясон  
симпра бошлайди ёқутранг майни...

Афсунгар бўлса, минорда туриб  
давом этар ўз жодусида.

Пайт келади, хаёлкашлар эгаллар дунёни  
жаҳонни олади орзукашлар бир кун  
ана, ётишибди она қорнида —  
тиши чиққани йўқ уларнинг ҳали.

*Муҳаммад Солиҳ таржимаси*

## Чой ва афсун

Даврада табассум чордона қурган.  
Бир пайт келар, соқов тил билан ҳам  
арғувонлар билан одамлар  
англашни ўрганар шундай бир-бирин.

Шиниб кетар жонли майсалар,  
алаф ўсар танамизда,  
даврамизда куз ахир меҳмон.

Кел, яна бир оз  
дардлашамиз сукутда.

*Азим Суюн таржимаси*

Македония шеърини  
антологияси

## БЛАЖЕ КОНЕСКИ

1921



Шоир ва носир. Филология  
ва тарих соҳасида кўплаб  
тадқиқотлар битган олим.  
Биринчи бўлиб македон  
тилининг илмий  
грамматикасини яратган,  
македон тилининг  
тарихини ўрганган.  
Македония Фан ва санъат  
Академиясининг  
биринчи раиси.  
«Кўприклар» (1945),  
«Ерга муҳаббат» (1948),  
«Шеърлар» (1953),  
«Кашгачи» (1955),  
«Хотиралар» (1974),  
«Эски ва янги шеърлар»  
(1979) номли шеъринг  
китоблари бор.

## Кампир

Қоронғи дарвоза олдида кампир —  
унинг қулоғи кар, аланглар, гўё  
кимдир масхаралаб қулар устидан.

Қоронғи дарвоза олдида кампир —  
унинг кўзи хира, у эрта ётар,  
тушида сўзлашар ўлганлар билан.

*Хуришид Даврон таржимаси*

## Сули

Букилган кампирларнинг хотиржамлиги  
тақдирга тап бермоқ.  
Сўзлар сассиз, оҳангсиз, оз —  
оддий сўзларни-да

шивирлайди қуримшиқ лаблар.  
Аммо шамол турса  
бошлари силкинар,  
қўллари силкинар,  
тоғлар аро бекинган қишлоқда, ёзда  
янграган қуйдайин қайғули  
туби йўқ, ибодатнамо  
бир қўшиқ.

*Хуришид Даврон таржимаси*

## Кўл қирғоғида ухлаган бола

Сен ухлайсан, бола,  
кўл ўйга чўмар —  
у сенинг тақдиринг ҳақида ўйлар.  
Сен ухла, бола,  
кўл бўлса руҳингга киради аста,  
тубида ҳар бир тош кўриниб турган  
қўлтиқчага кириб боргандай.  
Сен ухлайсан,  
бу дам кўлининг энг оддий ҳаяжони ҳам  
сени олиб кетиш учун  
келажақда туғилажак  
юксак тўлқинларнинг ибтидосидир.  
Ухла, бола,  
кўл юрагинг устида ишлар  
ва ўйлар келажақ ҳаяжонларинг.

*Хуришид Даврон таржимаси*

## Тўладан келган уч аёл

Тўладан келган уч аёл қўл бўйлаб сузиб борар,  
сузар тишиқ сув аро уч силлиқ балиқ каби.  
Тўладан келган уч аёл уч из қолдирар сувда,  
қўлларин бир мақомда айлантиришлари пла,  
тўшларининг ёқимли қичиқ ҳаракатлари пла,  
сувнинг ҳирсин қўзғатган  
кўкракларининг ўйини пла  
тўладан келган уч аёл уч из қолдирар сувда.

Мен кўраман ўнг қўлнинг ҳар битта шиддатини,  
чап қўлнинг ғайраткор суръатини,  
ҳар иккала панижанин аниқ ҳаракатини,  
сув остидаги жуфт товон, жуфт болдир суратини.  
Гарчи мен уларга боқиб турган дам  
вақт тўхтаб қолса-да, улар йироқлаб кетар  
мен ҳеч қачон бўлмайдиган ерларга қадар.  
Тўладан келган уч аёл унда чалқанча ётар,  
нафас ростламоқ учун, бир оз дам олмоқ учун.  
Энди кўкка қадалар уларнинг нигоҳлари.  
Улар тани қўлнинг ҳаяжонидан  
қалқиниб-қалқиниб турар  
ва ялтирар куннинг тивғида  
балиқ тангаларидай.  
Уларнинг кулгулари тангалардек жарапглаб  
етиб келар менга ҳам,  
гўёки орамизда қандайдир яқинлик бор —  
мен кутаман уларни ғалат ҳаяжон билан.

*Хушид Даврон таржимаси*

## Хаста дойчин

Кучим тўлиб кетганда,  
қудратим селдаийн тўсиқ билмаганда,  
мени бир умрга шонга бурковчи  
улуғ жасоратга қодир бўлганда,  
овозим етганида айтмоқ учун буюк сўзларни,  
қўлим энг оғир қилични даст кўтармоққа,  
оёғим энг залвор қадамни ташламоққа қодир бўлганда —  
мана шундай дамда  
мен мағлуб бўлдим.  
Йиқилдим, ҳосилини кўтаролмаган олча дарахтидай.  
Қандай бир масхара шарпа мени йиқитди,  
гўрга кирган илондек онгимга ҳам кирди у,  
кулгумга кўзи тегди, қайғумга қайғу қўшди —  
токи шубҳага тўлиб, чуқур ўй сурсин дея.



Кўйи ўйладим, ўзимни нақадар ожиз, хоксор,  
 пасткаш эканимни англаб қолдим  
 танам бўшанди,  
 қўлларим толди,  
 қилич тушиб кетди мадорсиз қўлдан,  
 кўрпа-тўшак қилиб мен ётиб қолдим.  
 Мана, тўққиз йилки ётибман ҳануз,  
 тўққиз бор алмашди кўрпа-тўшагим,  
 сўнгаларим, борми, йўқми — бугун билмайман,  
 сайхонликда, қуёш олов пуркаган қўриқда  
 ётибман мен чилпарчин бўлиб,  
 мен бўлиниб кетгандайман суякма-суяк  
 ва сочилиб ётган суякларимни  
 майсалар тешиб ўтди.  
 Бу майсаларнинг қўйинини плонлар макон этган.  
 Тезроқ дейман тушсам совуқ, қоронғи гўрга —  
 аммо мени бир умрга шонга бурковчи  
 жасоратни бажо айламагунча  
 ўлим келмас,  
 ўлим келмас, менинг қошимга.  
 Сен, номаълум аёл, бу дунёда ягона,  
 синглимсан ва онамсан,  
 сен мен деб кўп азоб чекдинг,  
 сен азоб нималигини яхши биласан,  
 қошимга кел, мунис ҳамширам,  
 сочилиб ётган суякларимни териб кел, ижирганма,  
 бир жойга тўпла, мени бир жойга тўпла,  
 уч юз қулоч оппоқ бўзга ўрагин, кейин  
 сокин сўзларни-да менга шивирла,  
 оёққа қўйгин мени,  
 яна юрмоққа ўргат мени бошқатдан,  
 қўлимга қилич бер, —  
 токи ўлдирайин қора Арабни,  
 ўлдирсам, типчгина ўламап.

*Хуриш Даврон таржимаси*

## Тўғон

Менинг қарияларим, наҳотки сонсиз арабни ишлатиб, той-той пахта босиб, бир қулоч-бир қулоч миҳлар уриб, Марково миноридаги Қирол Марко кўтарган тўғондан қўрқинмаса? Тўғон сувни тўсиб Прилепа водийсини қутқариб қолган, бўлмаса бу водий ўрнида Охрид кўлига ўхшаган кўл пайдо бўлиши шак-шубҳасиз эди.

*М. Цепенков.*

Мен тўғонни кўтармоққа  
қанча пахта тойини босдим,  
қанча латта тойини босдим,  
қуму шағал,  
тошу харсанг —  
мен уларни тешиқларга ташлайвердим,  
ташлайвердим,  
токи сувнинг шиддатига дош берсин деб.

Бу муҳим лаҳза эди!  
Уйқум ўчди менинг,  
ярим тунда борар эдим тўғон ёқда,  
сувнинг кўтарилаётганин эшитмоқ учув.

Сув бўлса гувурлаб, гувлаб инграр ерининг қаърида,  
гўё кимгадир аччиқ қилиб сўзлар —  
сен эса англамайсан унинг сўзини —  
гўё ташқарига отилиб чиқмоқни истар,  
худди ёрдан овга чиққан  
малла айиқ каби  
қоп-қора тунда.

Мен билардим: тўғон  
кутаётир ўз муҳлатини.  
У кутаётир она гўдагини ухлатишини,  
кутаётир она алласининг ниҳоясини,  
ғалтак ишнинг тинишини кутаётир,  
у кутаётир деҳқонларнинг тушликни еб бўлишларини,  
кутаётир пайтавани ечиб қўйиб  
чўзилиб ётишларини,  
у кутар кул остидаги сўнгги чўғнинг  
сўнишини ҳам,  
сайисдаги сўнгги қўнғироқчанинг, итларнинг  
тинишини ҳам.  
У кутар уйқусизлик ва йўтал азоб бераётган  
чолларнинг ҳам ором топишини.  
Кутаётган лаҳзасининг кўзи кўр, қулоғи қар

бўлишини истайди тўғон.  
Тўғон кутар ўз муҳлатини.

Ҳамма ухлар,  
фақат мен мижа қоқмаяпман бу оғир туида,  
пистирмада ётган қароқчи каби  
кутаяпман —  
сувнинг ботиний шовқинлари тапамда гувлар —  
кутаяпман —  
чунки сув энг қабих жинойтлар бошлаш олдидан  
ўйга чўмиб тинчиб қолади.  
Шундай дамда қичқиргим, қўлларимни силжитгим,  
одамларни уйғотгим келади менинг!

Шундан кейин мен қарор қилдим:  
тўғон қаддин кўтармоқ учун  
қанча пахта тойин босдим,  
қанча латта тойин босдим,  
қуму шағал,  
тошу харсанг —  
мен уларни тешиқларга ташлайвердим,  
ташлайвердим,  
токи сувнинг шиддатига дош берсин деб  
Қанчалар қувондим  
сувнинг бўйнига сиртмоқ ташлаб бўлганимдан,  
унинг ер қаъридаги гулдирашини  
гўё шафқат тилаб  
ялингандай бўғилганидан  
мен бўлсам шафқатсиз туйғуга тўлиб  
баттароқ-баттароқ бўғаверардим,  
тирноқларини ботирардим, юлардим, қамчилардим,  
устига харсангтошлар ташлардим,  
шошилардим — у ўзига келмасин дея.  
Ниҳоят нафасим тиқилиб, терга ботиб гарқ  
пешанамни артганимда лой қўлим билан,  
сал қаддимни ростлаб, энди тўйиб  
тоза ҳаво ва сукутдан яйраган дамда  
мен эшитдим —  
ер остида гўё кимдир хохолаб кулар,  
оғзини қўли билан тўсгандай бўғиқ.

Гангиб қолдим.  
Яна зулмат, яна ярим туш,  
ҳамма ухлар, фақат мен бедор,  
тўғон гувлар қулоғимга бор овоз билан,  
гувлар бутун кучи билан вужудимда у,  
кўкрагимда гувиллайди у,  
ботиний ер ости сувлари оқар  
томирларимда югуриб,  
гўё кўтарганим учун тўғонни

айтмоғим шарт у айтмаган сўзни мен ўзим.  
 Жим тинглайман:  
 тўғонда сув кўтарилмоқда,  
 тўғонда сув кутиб ётар ўз муҳлатини —  
 кутаётган лаҳзасининг кўзи кўр, қулоғи қар  
 бўлишини истайди тўғон.  
 Уша лаҳза у гувиллаб  
 озод бўлажак,  
 оқиб кетар, босиб кетар, оқизиб кетар  
 ва тиважак фақат чексиз далалар аро.

*Хуришд Даврон таржумаси*

## Қўргон

Марко Варошада қўргон тикла-  
 моқ бўлганида текнига ишлатиш  
 учун жуда кўп халқни: эркагу  
 аёлни, катта кичикни йиғди. Плет-  
 вардан то Варошагача гишти  
 қўлма-қўл бериб туришди. Она су-  
 тига тўймай етмиш гўдак нобуд  
 бўлди.

*Афсонадан.*

Мустаҳкам деворли, юксак минорли  
 менинг тошқўргоним қуёшли кунда қад тиклаётир,  
 водийдаги қоя узра қанот ёзаётир лочин сингари  
 ва бир бошдан далаларни кўздан кечираётир.

Аслида дунёга келганман ёвузлик олдида сад,  
 ёвузликка хавф солгувчи шу қўргонни тикламоқ учун,  
 шамолларга басма-басликка  
 қоя узра ўсиб чиққан қарағай каби  
 бу манзилда тошқўргоним  
 қад тиклашини,  
 бу манзилда ёвузликка юзма-юз чиқиб  
 бир қадам ҳам силжишига йўл бермай, чиркип  
 ниятларини барбод айламоқни ҳам  
 англамоқ бахтининг тақдир менга айлади насиб.

Шу сабаб йиғдим мен катта-кичикни,  
 эркагу хотинни, —  
 жуда кўп халқни,  
 умрининг борар йўлларини билмай яшаган  
 халқни тўпладим.  
 Запжир билан боғламадим улар қўлини,  
 оқ гишт билан боғладим мен улар қўлини,

Плетвардан то Вароша қадар  
 бир-биринга узатган онпоқ гишт билан.

тўлқини каби оқди қадоқ босган  
кафтма-кафт ошинб  
қуёшининг тиғида ялтираган  
опноқ ёиштлар.

Хатто ич-ичимдан истасам-да  
бу қўлларнинг ҳоринини,  
азобдан юзларнинг буришини,  
чанқаган лабларнинг ёрилишини  
кўрмоққа ҳаққим йўқ эди.  
Хатто ич-ичимдан истасам-да  
оналарнинг қарғаш-додвойини,  
офтоб тиғида чайлада ётган  
она эмчагини излаб қўлларин чўзган  
ва тополмаган оч чақалоқнинг  
чириллашини кўрмоққа ҳам ҳаққим йўқ эди.  
Чунки, менинг аҳдим бор эди: қурмоқчи эдим  
ёвузликка басма-бас  
турадиган тошқўрғон!

Мана, кун тиғида тошқўрғоним қад тиклаётир  
қоя узра кучли қанотларини  
ёйиб турган лўчин мисоли.

Бироқ, аста-секин чўкади оқшом,  
қоронғилик ичга ютар оқ минорларни  
қуббаларда ўча бошлар шамчироқлар ва  
ҳаммаёқни қуршаб олар сокин сукунат —  
шунда тандан кетар,  
тамом битар,  
изсиз йитар  
менинг қудратим.

Гўё борлиқ чўка бошлар заминга аста,  
гўё олдин ҳам ҳеч нарса бўлмаган каби,  
гўё мен ҳеч қачон ҳеч нарса яратмагандай.

Уйқу келар қум йўлакдан шундоқ ҳолатда,  
уйқу келар онгининг сўнгги сарҳадини бирма-бир босиб  
аччиқ гумонларни ташқарига бўшатмоқ учун,  
токи гуноҳим-ла қолдирмоққа мени юзма-юз.

Шунда қоронғилик қўйнидан яқинланар менга оломон;  
болалару қариялар,  
эркаклару хотинлар,  
бир қанча халқ —  
халқким, фақат янаётган  
ва қадоқли қўллардаги оғир тошлардай  
тақдир тамгаларин кўтариб келаётган  
«Қирол Марко, сен кўрмадинг ўлимимизни,  
биз эса ўлардинк,  
сен эшитмадинг, тепа сочинг тиккаймади,

жўжаларимиз —  
 болаларимиз қичқирғини эшптеб,  
 биз эса эшитардик.  
 Қирол Марко, саратонда қуриган қудуқдай  
 бизнинг аламлариям балолар қуритган,  
 бизни сўнгги умидимиздан айирган  
 сенинг ҳақиқатингга биз тупурамыз!»  
 Менинг телба тушларим аро

қичқиради ўлик чақалоқлар  
 қайғули фаришталардай.  
 Мен ёлғиз қоламан,  
 нажотсиз, хоксор,  
 ҳатто ғазабимсиз, қаҳримсиз қоламан  
 ва туяман бошқа бир ҳақиқат бор,  
 менинг, яхшилик ва ёвузлик сарҳадида  
 бор нарсани текисланишига ишонган,  
 бир-бирига қўшилаётган дарёлардай лойқаланган,  
 фақат денгизларда тинадиган тўлқинлардек  
 ҳақиқатимдан бўлак  
 бошқа бир ҳақиқат борлигини англайман.

*Хуришд Даврон таржимаси*

## Иттепа

*(Эпизод).*

Прилепа ёнидаги Иттепада  
 Марко бир неча кун тивимсиз жанг  
 қилди. Ҳар қилич силтаганида,  
 душман қоқ иккига бўлинар, бироқ  
 тўртта бўлиб қайта тириларди. Мар-  
 ко ҳеч қачон душманини енголмас-  
 лигини англаб, отини қайта тақа-  
 лаб, токи душман қўрғонда ҳеч ким  
 йўқлигини билмасин деб шамол  
 эсаётган ёқдан туриб ногора ча-  
 лишни буюрди ва тунга сингиб  
 кетди.

*Афсонадан.*

Бу жангда мен тивим билмасдан  
 урушмоғим,  
 кеча-кундуз  
 билагимгача қонга беланиб,  
 тиззамгача қонга ботиб  
 ҳолдан кетгунимча  
 керак эди савашмоғим тивим билмасдан —  
 токи сўнгигача ўзимни синай, дедим,  
 токи остонага етиб боролмай, дедим,

токи саратондаги қудуқдек қурч қолай, дедим,—  
ҳис қилмоқчи эдим-да сўнгги истагимни:  
токи ҳеч ким ўлимимга бўлмасин гувоҳ!  
Иттепага йўл оламан субҳи азондан —  
оломоннинг қилиғидан ғазабга тўлиб,  
иблисларга соламан ваҳм,  
қиличимни чапга силтайман,  
қиличимни ўнгга силтайман,  
силтайверамап, силтайверамап.  
эзғилайман,  
қийма этаман —  
ўрмондан йўл бераётганда  
дарахтнинг шундай кесшар.  
Бироқ, оқшом ҳориб-толиб ортга қайтганда  
мен ўлдирган иблис зоти қайта тирилар,  
менга қарши яна ҳам кўтаради бош,  
гўёки мен элак билан сув ташияман,  
гўё барча савашларим кетмоқда бекор,  
ерга сочган довларимдан  
буғдой эмас, ғумайлар унар.

Мана, яна тун чўкди,  
ярим тун бўлди,  
қулоғимни динг тутганча тинглайман эйрақ:  
ёвузлик кўпаймоқда ва ифлос сувдай  
У борлиқни эгаллаб бораётир.  
Шундай дамда гўё борлиқ  
ерга чўкиб кетаётгандай,  
гўё заминнинг ўвиям ҳеч қачон бўлмагандай,  
гўё мен ҳеч қачон ҳеч нарса  
қилмагандай туюлаверади,  
туюлаверади.

Тулпоримни бошлаб тақаланг,  
шамол эсган ёқдан ноғорани уринг зарб билан,  
токи менинг арвоҳимдан титрасин улар,  
токи улар ўлимимга бўлмасин гувоҳ!

Кўрмаса бас ўлимимни бирор кас фақат,  
токи тўй кечаси  
келинчак каби  
У ёлғиз бир ўзи келсин қошимга.

*Хушид Даврон таржимаси*

## АЦО ШОПОВ

1923—1981



Шоир. Озодлик  
ҳаракатининг актив  
қатнашчиси.  
«Шеърлар» (1944),  
«Ешлик йўли» (1946,  
С.Л. Яневский билан  
ҳамкорликда), «Грамосда»  
(1950), «Ўз қўлларимиз  
билан» (1950), Қайту ва  
шодлик ҳақида шеърлар»  
(1952), «Сукунат билан  
қўшилув» (1955), «Яхши  
кунлар шамоли» (1957),  
«Турмушдан ташқари»  
(1963), Кул устидаги  
фолбин» (1970), «Қора  
аёл ҳақида шеърлар»  
(1976), «Қирдаги дарахт»  
(1980) шеърй китоблари  
чоп этилган.



## Ўзлигим

У денгизнинг ёввойи қучоғи аро —  
тошдек сокин.  
У кузнинг заъфароп рангидами ё,  
қўм-қўк яшноқ кенгликлардами?  
Бу қўлларим панжалари-ку,  
ой нурларин тарайди майин.  
Қўзларим ҳам ўткир, ўзгача,  
қўзларимда олис-олислар.  
Сўзим эса замонамнинг тилу жағидир,  
ердан чиққан бир уруғ янглиғ.

*Тўлан Низом таржимаси*

## Бир шум ажал

Хув, ана, нарида бир шум ўлакса —  
қоп-қора кечмишининг дайди шарпаси.  
Уни туман аро илғаб бўлмайдди,  
у ётар лаънати бир мараз каби.  
У қора ва қуюқ мисоли қатрон.  
Мечкай ва очофат қон эрур бу қон.  
Алмисоқдан келган қашшоқ ва юпун.  
Ётар у кўрсичқон сингарп, қаранг,  
нитилар остонадан остона томон,  
ковлар, тирпар эс-ҳушимни ҳам.  
У ўлимдай беҳато мутлоқ.  
Кезиб юрар борлиқни.  
Хув, овлоқда бир ажал изғир,  
изғийди ҳампша бу сўзни айтиб:  
«Менга бўйсун, менга бўл ҳамроҳ.  
Мендан ортда қолмагин ҳеч ҳам».  
Даҳшат солиб ётар пастда у  
момақалдиуроқдай дағдаға билан,  
хув, ана пастликда бир ажал кезар  
аянчли ўтмишининг нишонасидай.

*Тўлан Низом таржимаси*

## Сўз туғилар

Жимжит ўрмон.  
Қаҳратоп.  
Шохлардан шоҳу,  
Тошлардан тошлар.  
Иккимиз ҳам тошдекмиз.

Бурқисар тутун.  
 Зимистон тинчлигин бузар  
 Илк туғилган сўз.  
 О, сўз! Сен яралдинг,  
 Осмон бор бўлди.  
 Сен борсанки, ер ҳам айланар.  
 Кимдир сендан титраб ўлим талвасасида  
 чакка томирлари оғрийдн беҳад.  
 Мен-ку, сен-ла кўнгила овлайман  
 ҳам ковлайман ўзимга бир чоҳ.  
 Лекин сўз ўтидан куймайман,  
 кулга айланмайман ҳеч!  
 Сўз туғилар, олам яшайди,  
 сўз бор экан, одам яшайди!

*Тўлан Низом таржимаси*

## Тун чашмаси

Кўзиктирган сурат мисоли  
 маҳлиёман тун чашмасига.  
 Биллолмадим,  
 тополмадим,  
 ҳатто, тингламадим —  
 дил олгучи қушлар сасини.  
 Тун бир қора кўзгу экан, рост,  
 англамайсан қандай чоҳга тушиб кетганинг,  
 ё сокин денгизга ғарқ бўлганингни.

Тунги чашма каби хаёллар  
 элтар сени кенгликка.  
 Сен унинг қўйнидан  
 сўрайсан, эркам,  
 ўзинг суйган ўша авiatorни.  
 Йўқ! Сен ҳеч нарса кўрмайсан ҳам  
 эшитмайсан ҳеч,  
 руҳингда туғилган бу дўзах ичра —  
 булбулларнинг шўх сайрашини.

*Тўлан Низом таржимаси*

Македония шеърляти  
антологияси

## СРБО ИВАНОВСКИ

1928



Шоир ва носир, болалар  
учун ёзилган китоблар  
муаллифи.

«Лирика (1950), Хошиш ва  
оралиқ» (1950), «Висол ва  
ҳижрон» (1953), «Оқ  
чақриқлар» (1956),  
«Сехрланган йуловчи»  
(1966), «Тоғдаги кўпик»  
(1971) шеърйй тўпламлари  
бор.

## Кашталар

1

Ойдин айвонида Қуруқ Дарёнинг  
аёллар ва қор, аёллар ва тун.  
Тонгда тошлар бўйлаб ўрмалар  
илоннинг заҳар кашталари.

Лабларини қурғоқчиликнинг қамчилари қонга  
бўяган  
якка-ёлғиз дайдилар ўтиб борар водийдан.  
Менинг танҳо Яриморалим  
тепасида эса осмон мовийдир.

Танасидан узилган новдалар,  
ўқилдиздан қутулган томирлар  
Қора ғадир пўстлоқ — чолғу асбоблари,  
Шунда яшар шамол, тунги қушлар.

2

Қуёш тараф ёп-ёруғ — кундуз.  
Дарахтлар парвона бемор сояларга.  
Қиролликка кўрк бағишлаган  
ҳамма-ҳамма совғалар  
хаёлдир, армондир  
менинг худо қарғаган бу Яриморалимда.  
Илон, сен пешинда ҳорғин суворий  
лабларидай бир илиқ кафтга тегиб,  
муҳаббатнинг ёзги шарбати учун  
устингдаги рангин ечиб ташлайсан.

Илон, сен тошларга кетиб борасан,  
қордан, қора қондан — кашталарнинг.

3

Шамол қайтди ҳорғин ва ювош,  
енгил, олақуроқ тақинчоқ тақиб  
Денгиз бўйлаб сузар малласоч бошлар.  
Уларин кутишар қирғоқда.

Ёруғ айвонида Қуруқ Дарёнинг  
оқбиллак аёллар кутарлар қатор.  
Эй, Илон, сен ўтган йўлларда  
унар оғир қўрғошини тошлар.

Кун Қуруқ Дарёдек оқиб кетади,  
 ва айвонни тўлдиради тун.  
 Безаксиз, каштасиз, қоп-қора.  
 Илон йўлда ётар,  
 илон тошда ётар  
 бир ўзи...

*Муҳаммад Раҳмон таржимаси*

## Ўлик товус ва атиргул

Аввал қон тўкилди.  
 Кейин эса  
 думнинг қуёшли табассумлари  
 остида ер типирчилади.  
 Эрта билан сокин майсазорда  
 Содир бўлди бу ўлим, ҳақиқий ўлим.

Нозик повдадаги атиргул —  
 милт-милт ёнаётган  
 ўт эса —  
 кўзларида ўлик товуснинг,  
 ҳайрат тўла кўзларида  
 титрагандай бўлди бир нафас.  
 Шарпасиз юлдузлар сингари  
 Нега оламдаги оловлар  
 ёндошганча бизга жимгина  
 нафас олишади атрофимизда?  
 Нега бизнинг кўзимиз билан  
 оғир, ўйчан минораларга  
 боқиб, соямизни муҳрлашади?

Нега зулумотдан бундай оловлар  
 қайнаб чиқар тиниқ булоқдай,  
 тонгги ташна лаблар учунми?

*Муҳаммад Раҳмон таржимаси*

## Сир

Қон гупурган палла бу  
 томирларингда,  
 қишлоқ қизларининг сопол кўзада  
 қудуқдан сув ташиган пайти.

Чошгоҳ рангларини юмшатар дарё.  
 Сувнинг пичир монанд зайлини ногоҳ

бўлиб қўяр гулмойин<sup>1</sup> илар чўлшиллаб:  
ҳалқалар ёйилар сувнинг юзига.

Офатижон нигоҳмикин бу,—  
англаш, мушкул,— хўрсиниқми ё?  
Бу ўйинда ҳарқалай ажиб  
бир фитнанинг аломати бор.

Сирининг олтин иплари ила  
боғлангансан қамишга маҳкам,  
кетолмайсан қирғоқдан нари...

*Муҳаммад Раҳмон таржимаси*

## Шундай дон бор

Ўқолмайди ҳеч нарса без.  
Буни Дарё билар, фақат Дарё билар.  
Тусаб қолса далани кўнглинг  
томоқларинг, бўйинларингда  
кўпикнинг оқ маржони ўйнар.

Ўрганганлар сени танишга,  
туннинг юрагидан айирганишгоқ  
юлдузларнинг янги қаҳашони ўчар,  
хўрсиниқлар қобилига беркинишар ё.

Биз ҳамиша интилгувчи дон бор,  
мен тупроққа айланганимда,  
сен тупроққа айланганингда  
пиш ургувчи, униб-ўсгувчи дон...

*Муҳаммад Раҳмон таржимаси*

<sup>1</sup> Гу л м о й и н — форел балиғи.



Македония шеърнати  
антологияси

## ГАНЕ ТОДОРОВ- СКИ

1929



Адабий танқид ва тарих  
соҳасидаги китоблар  
муаллифи.

«Субҳидамда» (1951),  
«Ташвишли оҳанглар»  
(1953), «Сокин қадам»  
(1956), «Қамалак» (1966),  
«Келгуси кунлар мадҳи»  
(1964), «Сўзламоқнинг  
аччиқ ютуми» (1970),  
«Йўқотилган кун» (1974)  
«Скопяне» (1981) шеърӣ  
тўпламлари босилган.

## Сарв ҳақида етти қўшиқ

1

Бедорликнинг мовийдир киприклари.  
Яшилдир, тилсиздир ҳаяжон.  
У — дала ўртасидаги кўрқдир,  
у дала ўртасида тунга қадар оч.

2

Қомати тик ўсган танадир гўё.  
Уни қоплаб ётар кўк капалаклар.

3

Ҳаловатга ташна,  
  безовта эгилгай,  
чайқалгай, термилгай булутларга.  
Йўлга интиқ, қўмсар кўчманчилар чодирини,  
ва зорланар:  
  қачон шамол тинар экаи  
саратонда.

4

Уйқусизлик дарди азоб берарми,  
ё титрарми бирор қўрқинчдан,  
ахир кўп гуноҳ қилган бесамар таркидунё.

5

Исм қўйсам агар, уни  
Безовтахон атар эдим.  
Беқарор, бемева юксаклик — у, далада.  
Тунқотор эрсам агар, қутқарардим уни титроқдан,  
титроқ — бу қўрқоқ ёлғизликнинг белгиси.

6

Субҳи содиқ, кундуз, оқшом — бутун кун бўйи  
қалтирар, қўрқоқлигини белгиси шудир!

7

Ҳасад қилар ўз шохида  
уя қурган қушларга.  
Туғилиши, дам олиши, ухлашига ҳавас қилар  
Бедор ва бесамар, яшил Безовтахон

*Раззоқ Абдурашид таржимаси*



## Шамол тўзғитган шом

Тушдан кейин куннинг буюғи сўнди.  
 Бутун атроф бетус —  
 бир еқимсиз зерикарли манзара.  
 Чўзилади маъниси йўқ бир хилликка  
 ўралган узун кўча,  
 ва шунда гўё ҳис этасан —  
 таниш,  
 совуқ бўм-бўшликни.  
 Бўм-бўшликки, кўп бор босган  
 шаҳар устидан.  
 Худо ҳаққи, яхши бўлди  
 оқшомда тургани  
 шўху телба,  
 тўполон қилишга туғилган шамол —  
 йўли унинг ойдни бўлсин қаён борса ҳам.  
 Юзимизни силашни биладиган,  
 кўзимизни артишни биладиган,  
 дунёнинг бутун тўзғоқлари билан  
 болалардай умбалоқ оштирадиган  
 ва ҳавога тўйдириб,  
 бизни ўйлашга етаклайдиган  
 ҳукмронлик қилмайдиган бу Ноҳокимга  
 тинчлик-хотиржамлик ёр бўлсин,  
 чунки чиндан ҳам бу гўзал-ку ахир,  
 кимнингдир сочларин тўзғитмоқ  
 шунингдек зерикарли чошгоҳдан кейин  
 шамол тўзғитган шом қўйнига ёирмоқ  
 гўзал-ку, ахир...

*Раззоқ Абдурашид таржимаси*

## Езмоғим шарт бўлган қўшиқ

### I ҚИСМ

Жозибадор бўлсин дейман ёзар қўшиғим,  
 ҳам янграсин шу дамгача етмаган ерда  
 ва кўринсин шу дамгача етмаган ерда.  
 Уни элаб олажакман чин ва ёлғондан,  
 яна шишини, луқма ташлаш, гўнғирлашлару  
 оғиз тўлдириб ё тил учида гўлдираш ва ё ғийбат,  
 миждовликлар, бари-баридан.  
 Жозибадор бўлур дейман ёзар қўшиғим, —  
 чимдим кулгу, чимдим нафрат,  
 чимдим гуноҳ қўшилари,  
 бўлар қўшиқ — тарсаки ҳам қўшиқ — ҳаловат.  
 Шундай гўзал бўлсинки у  
 Шоирларнинг келсин ҳаваси,  
 такрор-такрор нашр этсин ноширлар уни,

тингловчилар эшитган дам қотиб қолсинлар,  
 китобхонлар бир бор қўргач толиққунча ўқий берсинлар.  
 Қишилар ёд айтишин уни  
 у чиқарсин жаҳллариини,  
 Қойсинлар  
 Ва қилсинлар уни таржима,  
 кўчаларда айтилсин у баралла,  
 машҳур бўлсин наполеон тортидан юз бор,  
 уни сўраб-суриштирсин МКСнинг<sup>1</sup> биривчи секретари.  
 ва ҳиттоки энг ашаддий танқидчим менга гулдаста тутсин!

Хўш, нелардан ташкил топар бунақа қўшиқ?  
 Кўп фойизин ташкил этгай замон нафаси  
 ва менинг бу минг чеҳрали ишончли «Мав»им.  
 Қолгани-чи бу дунё, бу кунга аталган  
 юзлаб қўпол, қутилмаган ёки одатий,  
 ва ё аччиқ, қабиҳ, илиқ, ширин сўзлардир.  
 Ахир ҳар шоир бетимсол сўзлар  
 тўқиш иқтидоридан ташқари яна  
 очиқ-ойдин гапиришни бошлаши лозим.  
 Замонамиз ҳақиқати ва ёлғонини  
 сева билсин ҳам сўка билсин!  
 Ахир виждон йўриғидан гапирар бўлсак,  
 жамиятга қиммат тушса ҳамки бунақа қўшиқ,  
 уч марта кўп наф келтирар оқибат унга.

## II ҚИСМ

Агар сен шоир бўлмоқчи эрсанг,  
 боқиш учун эзгуликнинг кўзига дадил,  
 билмагинг шарт эрур

ҳамма

ёвузликни аниқ, номма-ном.  
 Агарда сен шоир бўлмоқчи эрсанг,  
 ўт ўрнига сўзни ютгувчи ёлғонни,  
 ўзингдаги ёлғонни йўқот!

Агар сен шоир бўлмоқчи эрсанг,  
 халойиққа баралла айт —  
 бугун кўплаб бойлик, бахт топишларин  
 кетмоқ билан эмас,  
 сиёсат билан!

Агарда сен шоир бўлмоқчи эрсанг,  
 халойиққа баралла айт —  
 бугун кўп эллар тер тўқиш ўрнига  
 гап сотиб планини тўлдирар.

<sup>1</sup> МКС — Македония Коммунистлар союзи.  
[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

Агарда сен шоир бўлмоқчи эрсанг,  
 жим турмасликни ўрган.  
 Ўрган, гафлат уйқусида ётганларни уйғоғишни!  
 Ва уйқу саҳнасига синчков назарингни бур,  
 Сўнг билиб ол —  
 яхшиликни тушда кўрар не-не элатлар.  
 Ҳаловат тошади қанча эл икки ўт орасида,  
 икки қатл орасида,  
 икки ўғирлик орасида,  
 икки ёвузлик орасида,  
 икки ғусса орасида!

Агарда сен шоир бўлмоқчи эрсанг,  
 Ёз ҳар кунни шеърлар гуноҳлилар хусусида,  
 Ним гуноҳлилар хусусида,  
 кўн гуноҳлилар хусусида,  
 қизиқчилар, кулфатзадалар хусусида,  
 умуман, барча —  
 мослашув деган еттинчи туйғуга бегоналар хусусида,  
 Суллоҳликдап холи кишилар хусусида,  
 Ойлик маоши ўн кунга зўрға етгувчи ҳамма камхаржлар  
 хусусида.

Барча маҳаллий Тартюфлар  
 ва ҳар бир саёқ Яголар хусусида,  
 ҳар кимни ҳар хил ерга суйкайбериб кирланиб кетган  
 барча башаралар хусусида!  
 Агарда сен шоир бўлмоқчи эрсанг,  
 қўлтиғингга хочни таққилу жимгина борабер,  
 (унга етиш тезлиги ўз ихтиёрингда)  
 оҳиста борабер ўз қатлинг сари!

*Раззоқ Абдурашид таржимаси*

## Тиниқ баданли киши ҳақида тиниқ шеър

*(Монологлар).*

### 1

Омадензлик қилди қаддимни дол.  
 Соқов назар билан боқар бефарқлик:  
 «Янги жойдан ҳаёт изланг» — эпитетим шу —  
 буни айтар ёлғонлардан қабарган тиллар.  
 Лойиқа сойдек оқиб ўтар куннинг қоқ ярми.  
 Улоқтириб кўп ниятни, сўнг енгил тортиб  
 юмалайман сув тошидай, вақт кўшигида.

## 2

Бирдан тишиқ тери кийиб чиқдим кўчага.  
 Ичакларим кўринади, кўринар ўпкам,  
 кўринади жигар, тилим ва тоғайларим,  
 ҳатто миям кўринади, юрагим ҳатто.  
 Беш бармоқдек аён турар бари-барчаси  
 анатомиядан имтиҳонни топширолмаган  
 талабага ҳам.  
 Антипациент дер мени рентгенологлар,  
 психиатрлар ташлаб қўйган шубҳали шахс деб.  
 Ноқулай бир мавзу янглиғ гапни бас қилар  
 мен ҳақимда сўз очилса сиёсатбозлар.  
 Қизиғим йўқ маъбудалар, ишратвозларга.  
 Ялмоғизман ишонувчан лақмалар учун.  
 Шундай қилиб бирданига, қутилмаганда  
 пайдо бўлди тиниқ танли биринчи одам.

## 3

Илк муюшда икки киши қаради менга  
 янги чиққан колумбчидай шарҳлай бошладди:  
 «Победа»да тотинибди анави киши,  
 жуда ҳам зўр тайёрлашар у ерда ҳасип,  
 майи сувсиз, қаҳваси ҳам ўткир, туркона!

Иккинчи муюшда яна икки одам кўрдим,  
 ўзгачароқ бўлди буларнинг шарҳи:  
 «Асаб системаси, дуруст, мустаҳкам,  
 қон группаси аниқ — дармолсизлик,  
 бироқ космополитча майишуви бор,  
 етишмайди унда ўзига хослик,  
 кескинлик, рангинлик, жўшқин фаолият  
 бундай камчиликлар тўлиб ётибди!

Учинчи муюшда учради уч нафар,  
 Ўрта денгиз одамидай шовқинлашарди:  
 «Эҳтимол бу телба шоирдир,  
 қара турқи-атворини, юршини қара!»

## 4

Яширипдим илк дуч келган ахлат идишга,  
 ёруғ куннинг ўтишини кутиб ўтирдим.  
 Қоронғилик даражасин билай деб боқсам,  
 кирмоқ учун чип теридан бўлган теримга  
 тушундимки, айна фурсат келиб етипти.  
 Фарқи йўқдир — оқмидир у, қора ё сариқ.  
 Энг муҳими, у одамнинг териси бўлсин.  
 Майли, йўл-йўл — етти рангда бўлсаям ҳатто,

Иўқса қийин, чидаш қийин,  
чунки ҳамма шаҳар бекорчилар,  
ҳамма чақирилмаган маслаҳатгўйлар  
бўлар-бўлмас парсалар учун  
бўлмағур шарҳлар билан  
сени элак-элак қиладилар.

— Бўкиб қолган мечкай, — дейди бири,  
— Бароқ итдан баттар суқ, — дейди бири,  
— Қалласи бўш, шубҳали, енгилтак повардалик<sup>1</sup>, — дейди бири,  
— Дабба экан, йўталади, — дейди бири,  
— Жигари носоғ, шишиб кетибди, — дейди бири,  
— Мижози суст,  
юраги ҳам бўшашиб қопти, — дейди бири.  
— одам суймас, шовинист экан.  
— Хушомадгўй, яна гап пойларкап.  
— Башоратчи, маонист экан,  
туркпараст, кенгфёъл, сертўполон кўрипади... — дейди бири.

Яна кунда текширув денг бу гуноҳларни,  
яна кунда баҳслашув денг бу гуноҳлардан,  
яна кунда тақрорлан денг бу гуноҳларни  
ва шунақа, ва шунақа бўла беради.  
Шунга кўра тез орқага қайтай — ўзга терига кирай.  
Сунъий бўлса ҳам розиман минг бор.  
Клеёпками, пўстинлими, майли, фарқи йўқ.  
Муҳими шу — шарҳловчилар тупукларида  
асрагучи, беркитгучи тери бўлса, бас.  
Дўзахга ҳам тушай майли, тухум пўстига кирай,  
пушт қалқонига айлапишга ҳам розиман минг бор —  
ки, ортга қайтай, девор ичра суваб ташлашсин,  
қайтай ортга  
оҳак қилиб оқлашсин,  
қайтай ортга — йўқлик сари,  
кириб кетай тешиги йўқ  
тешикларга.

*Раззоқ Абдурашид гаржимаси*

## Робот ҳақида шеър

Роботга ачинаман, чунки ҳеч қачон  
ўз айби билан бўлолмайди қул, бидъатчи ҳам бўлолмас ҳатто!  
Ачинаман унга яна шу бондан, қила билмас дангасалик.  
Иш тутолмас пала-партици, бўлолмас баджаҳл, ҳазилкаш!  
Ачинаман унга, сабаби, дунёнинг

<sup>1</sup> Повардалик — Македониядаги Вардор дарёси бўйида яшовчилар.

энг соҳибжамол қизлари ила бирга турсаям  
 бир иштилни сезмас ўзида.  
 Ачинаман яна шунга, чунки ҳеч қачон  
 таносил ё руҳий касаллар шифохонасида даволанмайди.  
 Ачинаман шу бондан, чунки у ўз  
 мақсадига беписандлик ила қаролмас асло,  
 ва ё ўқ томирин шарт кесолмас жазава ичра!

Ачинаман, чунки у рақ даҳшатин ҳис этмайди!  
 Ачинаман у умр бўйи қолаберганига роботлигича!

*Раззоқ Абдурашид таржимаси*

## Қайтиш

Икки-учта чандиқ бор ҳар биримизда,  
 икки-учта ғусса ёр ҳар биримизга.

Қўлдан бердик икки-учта урушни,  
 икки-уч шоҳликни босиб ўтдик.

Ўт қўйдик икки-учта ўрмонга.  
 қовурдик икки-учта подани.

Икки-учта дала-туздан ошдик,  
 ҳам ичдик икки-учта дарёни.

Тўшагимиз бўлган икки-уч ўтлоқ,  
 икки-учта дардга чалинганмиз, рост...

Ҳар биримизда бору бир ташвиш,  
 яна ҳар ишга қотирамиз бош.

Қачонгача руҳлар афтода,  
 қачонгача руҳимиз сарсон?

Ё тангри, тоқайгача шундоқ юрамиз,  
 йўл тополмай асрма-аср!

*Раззоқ Абдурашид таржимаси*


Македония шеърляти  
антологияси

# МАТЕЯ МАТЕВСКИ

1929



Шоир ва театр танқидчиси.  
«Емгир» (1956),  
«Мувозанат» (1956),  
«Гулсафсар» (1976),  
«Айлана» (1977),  
«Арғувон» (1980) шеърлий  
тўпламларининг муаллифи.



## Кўл

Бир кўл бор сербута булут остида,  
тоғлар орасида сокин, беозор.  
Арча сурувиға сувлоқ, ўтлоқ бор,  
унда бор сув, гулзор ҳамда майсалар.

Қаддин тиклаш учун мудроқ қоя ва  
тунинг қулранг жуши кўз-ла пайпаслаб  
тунда ой қўлида қалтираб турган  
шу кўл косасиға тикиламан жим.

Бир кўл бор сувлари чайқалиб турган,  
бағрида чайқатган тоғ чўққиларин  
Бу баргдаги шудринг, бугдой бошоғин  
янчар оининг ёвуз, сўққабош ҳирси.

Қарайман, бу туман қамчиси билан  
тоққа яширилган касалманд кўлга.  
Қуришаган қарағай гумбазларидан  
ҳимоя қилади уни бир юлдуз.

Бир кўл бордир тоғда, ёлғизгина кўл,  
чорасиз одамга ўхшаб кетар у.  
Оқса — девор, кулса дуч келади ўқ.  
Ёлғизгина булоқ, тоғдаги булоқ.

*Маъруф Жалил таржимаси*

## Ёмғир

### 1. ҚўРҚУВ

Келаётир қўпол, ҳорғин макон отлари  
унутилган, олис, лекин таниш ғовур-ғувурлар.  
Ёпиқ деразаларини тинимсиз тақиллатар,  
тақиллатар нағалсиз, увалган туёқ билан.  
Эй, ортдаги сирғанчиқ, хотиржам, сокин замин,  
сен аралаш-қуралаш, чалкаш зулматни чертгин.  
Қайга ҳам борар эдинг бу пахтазор сипгарин  
чекки, поёни йўқ уфқ оралаб...  
Бу тунпроқ билан туининг қора аралашмаси,  
бутунлай аралашиб, қуралашиб кетган дам,  
кўзларда сув тошқини, бўшлиқда эса ажал.  
Биз қайга бормоқдамиз, сен чексиз, жўнқин денгиз,  
сен бир хил — зерикарли,  
ҳорғин, ётиқ майдонсан:  
нитизорсан ҳавонинг беқарор ишратига.  
Қайга борасан, еру



судан қорилган хампр,  
мен — инсопмап,  
қўлда тош, кўзимда эса балчиқ.

## 2. ҚЎШИҚ

Қайдан келмоқдасан мунис, қадрдоп,  
боладай самимий, соддадил қўшиқ?  
Майса найзасию ахлат қушчаси,  
ёмғир ёққанда ҳам қуруқ турувчи,  
плондай буралган кумуш сўқмоғим,  
қайга олиб борасан мени?

Сезилиб турасан, доим сувда ҳам,  
сеп — мулоғим ёлсан ҳам дағал ёлсап.  
Ишқда садоқатли, баҳодир ошиқ,  
сен замин ва тушнинг хамиртуруши.  
Нурда ярқировчи қиличдай ёлсап,  
сен маконнинг кумуш сўқмоғи узра  
шуъла ва чақмоқдай билмайсан тиғим.

Олиб кет, олиб кет болалагимга,  
олиб кетгин, қўшиқ, мени абадий  
унутилмас кексалик томон.  
Юксак хаёлимсан сен киноясиз,  
мангуликнинг ҳамма ранглари учун  
уқувсиз очилган деразасан сен.  
Шу ёмғир ичидан олиб кет мени,  
қайтар мени пафис гафлат уяси,  
юмшоқ ва кичкина бандаргоҳимга.

## 3. ОТЛАР

Келаётир ўхшовсиз, ҳорғин бўшлиқ отлари,  
(Еғаётир рангпару кўнгилисиз, соқов ёмғир)  
деразадан чўзилган кафтимнинг боғчасига.

Келингиз, овқатланинг, дейман аста уларга,  
терлаб, ҳўл бўлиб кетган ҳамда буғланиб тургап  
кечанинг сон гўштидан қилинг, деймиз, тамадди.

Ўйин қилиб, майлига, қийқирингиз чайқалиб,  
қушча, сен ҳам сакрагин унутилган қапот-ла,  
хипча оёқ раққоса — чарчаб, толиққан бия,  
кел, ойнадан сакраймиз,  
бирга бўламыз мангу,  
сузамиз тўхтамасдан  
бўшлиқлар соясида.

*Мавруф Жалил таржимаси*

## Иўлга тайёрланиш

### I

Аллақачон кетмоқдаман қирғоқ томонга,  
олис денгиз садосини эшитмоқдаман.  
Оргимда қолаётган зангори манзаралар  
йўлламоқда жарангдор хушбўй тумонларини.

Қандай қанотлар сасин, қандай манзараларни  
менга кўрсатмоқчисан, эй ортда қолиан денгиз.  
Сенинг намхуш лабларинг ҳар кеч тушимга кирар,  
кўзларинг айлантирар мени кунгабоқарга.

Осмонингдан қочаман, аммо у чир айланар  
гўзал оғочдан бўлган, қиздирилган устундай.  
Қайта куртак ёзмоқда кўпдан сўнган ҳисларим  
ёз қўйнида маст бўлган намчил қояларингда.

Денгиз жўшиб шовиллар ваъда қилиб саёҳат,  
соҳилда қараб турган қари-чурук вужудга.  
Милтираб турган юлдуз аста кўтариб қўлин  
шивирлаб уймаланар қуриган қудуғингда.

Йўллар очиқдир, фақат олға юрмоқлик даркор  
оқсоч сувларнинг мовий «лаббай, лаббай»ларига.  
Ўлик елканг айланиб аста кунгабоқарга  
демоқда: «Бурил ортга, сўнг қадам қўйгин олға!»

### II

Юмшоқ қўйинингда эсдан чиқиб қолган чечакнинг  
ҳиди келар денгиздан.

Отланишинг керак сен.

Эшкаклар аллақачон пишди олис ўрмонда,  
елканларинг зиғири кутар елни интизор.

Оҳиста қадам қўйгин тинчиган теранликка,  
беозор бу сўқмоқлар қайга элтар — номаълум.  
Қора уйқусизлигинг дардидан узоқроқ кет,  
денгизу ҳорғинликка суянганча боравер,  
йўқолган қиёфангни балки шунда топарсан.

Йўл очиқ. Ўрилгандай денгизнинг юзасида  
изларингни сохта ҳид алдаб олиб кетмоқчи.  
Қуёш устун илма-тешик қилган осмондан  
чошгоҳ қуйилмоқдадир фаворадай елкангга.

Ажойиб шовқин билан денгиз гулламоқдадир,  
ғадир-будир тош учун ҳануз ёниқдир тананг,

қисқарған соя оша аммо милтирар кўзинг.  
Эшкагинг аллақачон пишди олис ўрмонда,  
зиғир-чи, тўқимокда шамолларнинг елканин.

### III

Шамол, тўлқин ортидан қоялар, қирлар ошиб,  
сен узоққа кетасан, кетасану қайтмайсан,  
елканнинг юмшоқ қўли силаб ўтар манглайинг.  
Олиб кетаркан осмон, ҳовли, ўлган ўғлингни,  
ўғлинг тинмасдан йиғлар, токи учаркан қушлар,  
кўшиқлар тарқалади борган сари кенгайиб  
узоқ-узоқларда.

Гусса чанги, ёлғизлик чўли бўйлаб сафарнинг  
ҳамма-ҳамма томони пухта ўйланган аввал.  
Ловуллаб турган ой ва сўнган қуёш олдида  
қандай гўзал кенгликлар қучоқ очади сенга.  
Денгиз ёнар экан то, замин титрар қўрқувдан,  
азалий қирғоқ эса сўзлар сенга мулоҳим  
олис-олисларда.

Сен жўнаб кетдинг олис рўенинг пзи бўйлаб,  
у бўлса айлантриб, отди сени елларга,  
еллар ичра йиғичка ва узун қамши каби  
Кўзинг юксалмоқдадир, кўгармоқдадир бўйнинг.  
Қайтиб келолмасанг ҳам, энди сира орқага,  
сенга қўшилиб кетар гўзаллик, жўшқин денгиз  
узоқ-узоқларда.

### IV

Бир қарорга келмоғинг даркор.  
узоқ, ғамгин уйқусизликда  
иккиланши доирасидан  
аллақачон чиқиб кетгансан.

Ўтмишининг тотли ёлғонларин,  
сув ўрмони, гуллар кўшиги,  
мовий рангли далалар томон  
қўясанми бўшлиққа қадам?

Бормоқдасан битта чизикдан,  
у бўлса жимгина буралиб  
сирли ва номаълум йўл билан  
элтмоқда қайтиш йўқ томонга,

Чарақлаган юлдуз тўдаси  
кечалари уйқунгни бузиб,  
Ўроқ каби эгри, нотавон  
Қисматингдан далолат берар.

Ҳамма йўллар очикдир сенга,  
 Очилмоқда бўлган гул каби.  
 Қуёшнинг азалий орзуси —  
 Нури тушиб турган шудрингдай.

Сен қадрига етмай йўқотган,  
 Қайтармоққа имкон бўлмаган  
 Лаҳзаларинг, дамларинг оша  
 Йўл кўрсатар сенга шу шудринг.

Соҳилда турибсан ғам ютиб,  
 Бир қарорга келмоқлик зарур.  
 Манзарани кўтар кўзингдан,  
 Кўксингдаги осмонни кўтар.

Эшакларинг сеп учун пишиб —  
 Етилгандир олис ўрмонда.  
 Уйғонган ул шамолларингга  
 Елкал тўқир зигирпойлар.

*Матруф Жалил таржимаси*

## Жарликдаги дарахт

### I

Унча катта бўлмаган дарахт  
 ўхшовсиз чайқалиб туради ёлғиз,  
 чуқурликда зеркиб карахт.

Иккита шохи бор, вужуд ва сукут,  
 кишанлаб, белига қадар кўмлган  
 аламзада одамдай ғамнок.

Кўпдандир эслолмас на қорни,  
 на ёмғир, на шамол, на-да майсаю  
 шохига ин қўйган қушларни.

Шип-шийдам турибди солибдай ғариб,  
 ярим белигача ерга кўмлган,  
 тиржайиб қараган мурда сингари.  
 Гўёки оғзи қум, тани тош одам.

### II

Қуриб қолган дарахт кўзлари  
 гўё жапуб шамолларидир,  
 кўн шафақлар оша кўради.

Аммо бу зулумот, совуқда беҳол,  
худо ҳам, банда ҳам эсдан чиқарган,  
жарлик ичра сира эсмайдн шамол.

Унинг пўстлоғини қилиб поралар  
талашган ҳайвонлар ур-сурларидан  
сув томар, емириллар қора қоялар.

Парвоз қилмоқчидай турар валломаг,  
қанча шафақларни олддан кўрувчи,  
тушига кирувчи  
еллар унга беради мадад.

Бу жарда сохтадир ҳатто шафақ ҳам.

### III

Тонг ҳам, шафақ ҳам йўқ қуёшсиз жойда,  
Ғусса ҳам уфурмас бунда зулумот.  
Замону, макону ёлғизлик қайда?

Ҳаммаёқ тид-тирсдир. Ҳаёт йўқ буткул.  
Лекин дарахт ўсар. Ўсар шошилмай.  
Ўсаётганлигин ўзи ҳам билмай.

Бунда замин шошмай сўзлар ҳикоя.  
Нималардир содир бўлаётир деб.  
Кичкина булоқ бор унинг қўйнида.  
Ҳамма гапдан хабардордир у.

*Маъруф Жалил таржимаси*

## Ёнарқуртни излаш

Қўлларимиз тўла эди ёнарқуртлар билан  
соқов сукупат ичра,  
нотаниш тун белгиси келган чоғи дафъатан,  
улар учиб кетдилар жарангдор бош чаногимизга.  
Бунча номуқим камалак кўрмагандик ҳеч вақт,  
кўрмагандик уйғонган соҳиллар хуш бўйини.  
Бизда қўшилиб кетди дунёнинг ҳар тарафи,  
пазокатли қучишлар, ғалати кенглик билан.  
Лол бўлиб, кездик сарсон, ой ақлимиз сеҳрлаб  
олға етаклаб борди беомон жанглар томон —  
ўз юлдузимиз билан бизни тўқнаштирмоққа.  
Юлдузлар олис эди, тун ҳоким ҳаммаёқда,  
таъқиб қиларди бизни наришон кўзлар билан.  
Улар маҳрига келар барча ёнарқуртлар —  
орзуларимиз ўти:

шуълалар орбитасин аниқ ҳаракатида.  
Аслида мавжуд эмас, ҳозирча мавжуд лекин,  
аслида кўринмасдир, ҳозирча кўрингуси.

*Маъруф Жалил таржимаси*

## Ёнарқуртнинг кетиши

Унинг ўзи билади ёлғиз  
тошда қанча судралганини,  
то буталар чиниқтиргунча  
қудрат тўла қанотларини.

Сўнг ҳаммаси бериб қўйилди  
содда қуёш ихтиёрига.  
Тун эса олиб чиқди  
уни инсон орбитасига,  
Шундан кейин эса на мурда,  
на қанотдан қолди бир шишон.

Шунда ёлғиз нургинна бизга  
эслатди кўзимиз борлигини.  
Биз узоқ кузатдик лол бўлиб,  
қандай қилиб арзимас жондор  
юлдузга айланиб  
қолганини.

*Маъруф Жалил таржимаси*

## Ёнарқуртнинг ўлими

### I

Тун бўйи ҳамма ерда нур излаб изғидик биз,  
кўр-кўрона изладик қоронғида пайпаслаб  
ҳар бир япроқ, ҳар бир гул, ўткир қоя остида.  
Уни чарчаш билмасдан чуқур ўйлаб изладик,  
дунёнинг ҳар бурчидан, ўзимиз, калбимиздан,  
хунук уйқусизликнинг ғариб турғулигидан.

Алам билан изладик сўнган ўрмон зангидан,  
унутилни шохда ухлаб қолган қушчадан,  
қудуқлар ҳавосию шамолларнинг атридан.

Изладик тушимиздан, адирларда янграган,  
чўпонларнинг пайлари, қайғули қўшиқлардан.  
Билмасак ҳам ўзини, овозин ҳис этардик  
аср яйловларида сукунат боқиб юрган

ғам, кулфат остидаги харсанглар сурувларин  
чуқур илдиз шарбати, майсаларнинг сутидан.

## II

Биз томонга келарди кичик бир боғлам бўлиб,  
уйқудан шишиб кетган юзда тер томчилардай.  
Оҳиста келар эди, сассиз ёруғ одимлаб,  
уни кўриб босарди бизни даҳшат ваҳмаси.  
Келар эди ҳар ёндан, турфа-турфа рангларда,  
уйғониб кетган денгиз барча шовқини билан.

Аёлу қуш нидоси, шамоллар ўкириши  
дунёдаги таниш ва нотаниш барча ном-ла.  
Тоғорадаги сувда барин такрорлаш мумкин,  
булар бари мисоли ўткинчи сўз кўпиғи.

У келарди ҳар ёндан, осмонўпар чўққилар,  
қоронғи хилватлардан  
ёмғир шитир-шитири, гўдак қиқир-қиқири  
ҳамда файзи мўл ёзининг ёқимли куйи бўлиб.  
Келарди барча юлдуз, жўяклар, увотлардан,  
серажин манглайлардан, парижон қўлкалардан  
замон бурғиларида ўзининг номин айтиб.

Биз бу катта оламнинг катта мавзуси билан  
уваланиб борувчи тун қўйинда банд бўлиб,  
сезмай қолибмиз ҳатто тонгнинг очиқ қафтида  
қуёшнинг қаршисида ёнарқуртнинг сўнганини.

*Маъруф Жалил таржимаси*

## Эпитафия

Қачонлардир қилган суҳбатин  
қўшиғини овоза қилган  
шамол субутсиизлигида кўп нарса қолар.

Майин чошгоҳ жилғасидан маст  
соҳилин қоплаган йўсинни  
денгиз танимаслигида кўп нарса қолар.

Ўзининг шаклсиз ҳаёти билан  
ўйдим-чуқурларни тўлдирган  
туман бемаънилигида кўп нарса қолар.

Юксак қояларининг бўйинларида  
эркин шалоладай қуйилиб турган  
сунбулаларининг новдасида кўп нарса қолар.

Олисдаги бир ситоранинг  
нимагадир фарқ бўлаётган  
мубҳам дунё кўзларида кўп нарса қолар.

Чунки мен ҳам қачонлардир қуёш кўлкаси —  
оғирдан тарс бўлинган тошдай чатнарман.  
Шундай юлдузли дамда  
қайга кетди дафъатан,  
қерда ҳалок бўлди, не сабабдан ўлди, деб,  
нима бўлди унга? — деб ҳеч ким сўраб ўтирмас.  
Дейишар: ҳеч нарсадан. Қулайгина ётгану...  
Тошлар эса гапира олмас.

*Маъруф Жалил таржимаси*



Македония шеърляти  
антологияси

# ЦАЦЕ АНДРЕЕВ- СКИ

1930

Шоир. Куплаб болалар  
китоблари баган «Яхшилик»  
(1956), «Тантана» (1964),  
«Алоқалар» (1982)  
тупламлари бор.



## Негиз

Неки туғилар экан,  
негизи бор бағрида --  
яна кўпаймоқ учун.

Уруғ данак ичида,  
мева ичида данак  
куртак ёзгайдир тағин.

Олма ҳам пишиб ўтар,  
пишиб тугайди ёнғоқ,  
одамлар ҳам ўтади.

Енгиб ўтса моғорни,  
бўғилмаса очликдап,  
негиз қолаверади.

Яна қиздирар оташ,  
яна эркалар шамол,  
севгидан унар ҳаёт.

Яна гуллайди олма,  
яна ёнғоқ ёзар барг,  
инсондан унар инсон.

Негиздадир ҳамма гап,  
гарчанд у жажжи эрур,  
унда олам намоён.

У зич ҳаёт ўзаги,  
олтин, жавоҳир қатра,  
мангу ҳаёт асоси.

Унда борлиқ мужассам:  
рангу таъм, шодлик, оҳанг,  
гўзаллик унда пинҳон.

Негиз қурашчан эса,  
демак барҳақдир ҳаёт,  
бизни истиқбол кутар.

*Жуманиёз Жабборов таржимаси*

## Ёнғоқ

Ҳарорат сусайиб ёз сандонида  
майин куз ҳукмига киринган маҳал,  
олам бир хаёлот уфқиға кириб

тиниқ тортган чоғда жами мавжудот —  
қуёш хушбўйлардан, нурдан йўғрилган  
шарбатни сузғичдан ўтказиб гўё,  
биллур кўзаларга қуяди майли.

Яралиш, яратиш шавқиға тўлиқ —  
гўзаллик мукамал барқ урган бу чоғ —  
шоҳдан ўт устиға тушди бир ёнғоқ.  
Яшил пўчоғини ёриб чиқди ул  
ва нафас олгандай бўлди бир яйраб,  
гўёким мақсудға эришди аниқ.

Мен уни қўлимға олмадим дархол,  
ноҳақлик бўлурди бундоқ қилмоғим...  
Мен унга бўлак бир олмадан тушган  
антиқа ҳадядай ё марҳаматдай  
ҳайрат, таажжубда боқар эдим лол  
сазовор бўлмоқ-чун бундоқ неъматға  
аввало мен уни билмоғим керак.

*Жуманиёз Жабборов таржимаси*

## Темирчилар

Болға тинсиз тушар сандонга,  
лаҳза тиним билмас икковлоп.  
Босиб қушлар ва йиллар сасин  
гурс-гурс садо янграйди мангу.

Темирчилар ишлаётирлар,  
улар қуяр бахт камалагим,  
Қопларимға учқун солароқ,  
оташимға забон бағишлар.

Чангу губор пардасин сириб,  
Нур оқимн этар маъданин.  
Бу оқимдан ясашар омот  
Илиқ шудгор нафасин сезиб.

Шу садою шу ёшиқ қалблар,  
шу қўлларнинг тафтин ҳис этиб  
ҳузур инар тому айвопға,  
ййраб кетар маскану манзил.

Сачраётган учқун-юлдузлар  
Сўниб кетмас бир ёниб-ўчиб.  
Балки улар уйлар тоқисин  
Бирлаштирар метин миз бўлиб.

Темирчилар ишлаётирлар,  
Олам уйин яшпатини учун.  
Токим чиқсин ўз қобигида  
Бор кўрки-ла бу ёрқин жаҳон.

Шудир замон буюргани ҳам,  
То имтиҳон этар экан вақт,  
Темирчининг болга, сандини  
Шу учқундан бунёд этар бахт.

*Жуманиёз Жабборов таржимаси*

## Айвон-кема

Хира шам ёғдусида, жилмай уянгдан нари,  
фақат ўзингга боқиб, шабкўрдай ётавермай,  
айвонга чиқ — бу демак, оламга чиққанингдир.

Бу демак — тўнғиб қолган ковурга қамоғида,  
қатрон, бўғиқ овознинг қафасидан бўшанмоқ,  
томоғдан бўлган тупроқ уюмида халослик.

Бу демак, кенг жаҳонга кўкрак ёриб боқининг,  
ясмап хушбўйин сезмоқ осуда нафасингда,  
сенги шивирларидан баҳраманд бўлмоқ бахти.

Уй деганинг, албатта, хонаси, томи бўлур,  
лекин юрак қурғурини тўрт девор орасида  
маҳкам тутиб бўлмайди ҳаётдан айру сақлаб.

Айвонга чиқ, илтимос, оламга боқ мафтункор,  
кўнгил ноғорасини янградиб чал, майлига,  
бу олам ичра сайёд янглиғ ўз сайдингни топ.

Уйдан бошланган айвон уфққа ўрлаб кетар,  
бамисоли олтин кема, туманли сарҳадлардан  
сени олиб ўтажак ҳаётнинг кенг бағрига.

Тўлқинлар, садолардан из қолдириб ўтажак,  
уммон аро манзилга битилгувчи сайёҳдек  
мақсудинг, соҳилига равона — олтин кема.

Айвонга чиқ, у сенга кенг очибди кўксини,  
ўз давру давронингга ўзинг бўлгил хўжайини,  
Вақт етди, у сенинг елкангга қўниб турар.

*Жуманиёз Жабборов таржимаси*


# АНТЕ ПОПОВСКИ

1931



Шоир.

«Шуџла» (1955),  
«Вардор» (1958),  
«Б’џисунмаганлар» (1964),  
«Бсрахм» (1972),  
«Рамзий хат» (1975),  
«Муҳаббатнома» (1980)  
т’упламлари бор.



## Самунл

### I

Одамзоддан ҳеч не қолмади —  
ҳамма бало келар қўлидан:  
текислади жарликларни,  
қаърларни  
қуритди у дарёларни ҳам.  
Фақатгина ёлғиз тош қолди,  
қора, тақир тош.

Симёғочлар узра балқиб  
ой ҳам чиқмади,  
ташиб келмадилар хирмонларга дон,  
дарахтларда ўсди мева ўрнига ҳам тош.  
Уни нондек кафтларида сиқди деҳқонлар,  
биринчи бор туғадиган хотинлар эса  
туғиб берди чақалоқлар ўрнига ҳам тош,  
қора, тақир тош.

Улидилар ҳайвонлар ҳам дод солиб урён  
қорлар эрий бошлаган маҳал,  
энг охирги она бўри ҳаром ўлди,—  
кўпаймайди энди бўриваччалар!

Тугён урган шамоллар эса  
кул учириб келди ҳар ёндап,  
кул устига қатлам-қатлам  
кул тўкдилар.

Шу куллардан қад ростлади  
ҳатто асрий тепалардан  
юксакроқ бир тош,  
тақир, қора тош.

Одамзоддан ҳеч не қолмади —  
ҳамма бало келар қўлидан:  
текислади жарликларни,  
қаърларни,  
қуритди у дарёларни ҳам.  
Фақатгина танҳо тош қолди,  
қора, тақир тош!

### II

Келинлар, йигитлар, қора эркаклар,  
болалар, шоқоллар, бургутлар.  
далалардан йиғилиб келинг,  
ўрмонлардан йиғилиб келинг,

келинглар, боболар,  
авлодлар-аждодлар,  
келинглар!

Ҷани, жам бўлинглар, дийдор кўришинг.  
Азал-абад қонингизда қолган неки бор,  
ҳатто ёвуз бир илон ҳам ололмас сўриб,  
ҳатто уни сўриб ололмас  
на бир гиёҳ,  
на бирор илдиз  
ки бу қора, лаънатиларни  
тўғри келар боқмоққа,  
очларга ҳам тўқларга ҳам.

Келинг, барча асрларнинг,  
келинг, барча авлодларнинг  
ийнгитлари, қора танли эрлари.  
Тўплавайлик,  
кўришайлик,  
келинглар.

Келинглар, тошларни юшатиб, ҳайдаб  
ноҳақлик экайлик мева ўрнига,  
токи, илдиз отсин у чуқур  
ва барг ёзсин ҳар томон қуюқ.

Шундай қуюқ барг ёзсинки, қалдироқлар ҳам  
эголсину уни, бироқ синдирилмасин,  
ер титрасин, телба шамоллар  
ва беомон қурғоқчиликдан —  
токи ўсин ҳақсизлик дарахтлари  
бизнинг кулфатлар узра мағрур ва баланд.

Биз осайлик ўзимизни ўша дарахтга!

### III

Ё келинглар,  
пайтавачи, белчилар, балиқчилар,  
Брсяклар, Мияклар,  
келинглар.

Барча Охридлар, барча Пресилар бўйлаб  
биз борамиз,  
қиламиз ҳисоб-китоб.

Биз қанчамиз —  
кўпимизми ё оз...  
Биз салтанат тузамиз.  
Кўрамиз, неча аср бўларканмиз ҳукмрон.

Қай биримиз шоҳ бўламиз,  
қайсимиз худо,  
қайсимиздан чиқади жосус?

Келинлар,  
қиламиз ҳисоб-китоб!

#### IV

Бу Эркаклар салтанатида  
ҳатто шоҳсиз ҳам  
қасам ичсин барча пичоққа  
ва шу қора Беласица чангалли аро  
ғижимланган ўрмоқлар ҳаққи.

Пичоқ билан ўйиб олурлар  
тубсиз қаърдан барча кўзларни  
ва санчурлар уни тапларга.

Белчилар, балиқчилар, Брсяклар тапига.  
Бўшаб қолсин, майли, салтанат.  
Фақатгина тош,  
бизнинг исмларни сақлаб қолгувчи,  
бир кун набирамиз кавлаб олгувчи  
қора, тақир тош,  
майли, туғилсин.

Токи, биз ҳам унинг билан  
асрларга қолайлик.

#### V

Парвардигор,  
салтанатим кулидан меннинг  
яратгани кўп эркак ва қашшоқлик!

Сен уларга ҳеч бўлмаса ато этгин тош,  
ўша тошдан озиқланиб улар бўй чўзсин  
баланд, баланд,  
токи сенинг салтанатингда  
қуёни тушиш бошлангувчи маконга қадар.  
Улар ўша юксакдан кўрсин,  
ўзлари ҳеч етолмайдиган  
қанчалиги номаълум ўз авлодларин.

Парвардигор,  
умрим кўрсин ўз наслу насабини,  
кўнгли тўлиб, адо бўлсин, сўнгра хотиржам.

*Сулаймон Раҳмон таржимаси*



## Чол ва нон

Чол нонни иккига бўлади.  
 Нонда — ўроқ тутган аёллар  
 ва уларнинг яп-яланғоч кўкракларида  
 ялтираган ёзининг иссиғи.

Чол нонни иккига бўлади.  
 Нонда — арпазорда ухлаётган  
 эмизувчи она сутининг ҳиди.

Чол нонни иккига бўлади.  
 Нонда — ой нурида ялтирайдиган  
 қизил плон янглиғ қизил от.

Чол нонни иккига бўлади  
 ва нонда кўради ўзининг  
 тупроққа айланишини,  
 тупроқ узра ёнарқуртнинг  
 ялтिलाшини.

*Сулаймоқ Раҳмон таржимаси*

## Уста қўшини

Куч-қувватдан қолиб, қўллари  
 шалвираб, кўзлари хира тортганда,  
 андаваю болтани тарк этганда,  
 теганаси синиб адо бўлганда,  
 уй қуришга ҳеч ким айтмай қўйганда,  
 фарзандлари униб-ўсиб, оёққа турганда  
 ва қушлардай ҳар томон учиб-учиб кетганда —  
 ўз уйини қуришга жазм этди уста.

Туну кун тишим билмай деворлар тиклади у,  
 атрофни чанг босганда, чанг остидан ҳам  
 қуёш, ҳаво ва ёмғир пла ийлагач  
 оқ қорини бемалол ташланди кўзга;  
 уста эса тиклади, тиркади,  
 бир-биринга улади  
 тўсини тўсин билан,  
 тахтани тахта билан;  
 понага пона урди,  
 миҳни миҳга миҳлади,  
 тинмади у токи уй томи ҳам битмагунча,  
 одамлар келиб кўриб, маъқуллаб кетмагунча,  
 баландликда ҳамманинг уйдан ўтмагунча;  
 чунки уй балад бўлса, ой яхшироқ кўрингай,

ҳар оқшом кириб келиб очик даричадан у  
ухлаётган гўдакнинг тўшагини ёритгай.

Уста эса кечаси чиқиб томнинг бошига,  
қўшиқ айтди ва айтган қўшигида тиришди  
боши узра энг гўзал бир юлдузни тутмоққа,  
тутиб уни, қизалоқ набирасини устига  
ёнадиган каштали кўрпачанинг қатига  
жимгина бекитмоққа,  
то ширип уйқусида невараси ўрнида  
типириласин у юлдуз.

*Сулаймон Раҳмон таржимаси*

## Деразани тасаввур қилмоқ

Ҳозир чапга қайрилмоғи лозим бу сўқмоқ,  
сўнгра эса юқорига ўрламоғи ва  
бир қуриган дарахт сари бошлаб бормоғи.  
Терлаб-пишиб ўтирасан, нафас ростлайсан,  
хотирлайсан ҳозирда йўқ, аммо бўлган уйингни  
ва ҳавода, черков ёқдан тушаётган шуълада  
сен тасаввур этасан ўз деразангни,  
деразадан кўрпнади синглинг им қоқиб,  
таклиф этар тушликка у сени туи маҳал,  
таклиф этар нонни ўлиб, сўнг ушатгувчи,  
шукр дея астагина шичирлагувчи  
отанг билан ўтирмоққа бир дастурхонга.  
Кейин эса онанг аста ўрнидан туриб  
олиб келар тақсимчада ақиқдай гилос  
ҳовлидаги ўз боғларингдан.

Ҳозир чапга қайрилмоғи лозим бу сўқмоқ  
ва тепага ўрламоғи —  
болаликнинг олис-олис асрига тёмон.

*Сулаймон Раҳмон таржимаси*

## Ватан

Нема олис бир ўлкага етиб келганда,  
у соҳилда ўтирган бир нотаниш халқни  
ва осмонда йирик-йирик юлдузни кўрди.

Нима олиб кетяпсан деб сўраб қолдилар,  
У кўрсатди тугунчада бир сиқим тупроқ,

олиб тўқиб танладилар,  
у йиғлади қон-қора қақшаб.

— Ватаним бу! — дедию у туп бўйи тинмай,  
битта-битта териб олди, қолдирмай бир гард.

*Сулаймон Раҳмон таржимаси*

Македония шеърини  
антологияси

# ПЕТРЕ М.АНДРЕЕВ- СКИ

1934



Шоир, носир, драматург.  
Болалар учун ёзилган  
китоблар муаллифи.  
«Тармоқлар» (1960),  
«Ерда ҳам, осмонда ҳам»  
(1962), «Дениция» (1968),  
«Олисдаги сандонлар»  
(1971), «Мақтов ва  
шикоят» (1977)  
китобларининг муаллифи.



## Тун яримдан оғанда

Мени тиқиб қўйдилар

тўқилган сояларга.

Сезаман пойдеворга изғирин урилишини.

«Дуо қил, қутқар!» — дея, зуғум этдим пайғамбарга,  
у-чи, илоҳий уйқу ичра тин олар ширин.

Ногаҳон бошим узра пайдо бўлди бир тўлқин,  
ҳа, тунги қалдирғочлар,

тепамда қапот қоқар.

Ўзимни овлоқроққа олмоқ бўламэн секин  
дору ўт ишғувчилар сўзи келар қулоққа.

Ўйларимда не кезар?

Охират васвасаси!

У дунё деганлари ҳамма ерда бирмасми?

Допишманд мўйсафидлар ёнимда бўлса қани,  
улар умр иилигини анча узайтирмасми?

Мироб яқинлаштирмас чашмаларнинг қошига,  
мен шўрдиқнинг қуилари ўтиб борар ташнаком.  
Черков, шамол тегирмон соя ташлаган жойда  
даврийнинг ўтишига гувоҳман мен ҳар оқшом.

Ўзга нима бор менинг?

Маҳв бўлди ўту сувда

энди тун ва кун билмас жойни этарман макон.

Ё хўроз қичқирини ила бошлангаймикан  
мен ором тонар замон?

*Охунжон Ҳакимов таржимаси*

## Тун сайри

Тоғда униб чиқди ошиб бир гулхан,  
алангаси бизга қилмоқда имо.

Энг ёрқин сурат бу, гўзал ва нафис.

Икки қуш, қапотлар ноғорасини

олиб келмоқ учун кетди дарёга

Соя жой излайди бизнинг соямиз.

Пайғамбарлар дарахтлар гўё

бири кириб борар бирин тусига.

Юртни тинглагандай сени тинглайман.

Бизнинг устимизда яна ўша нур

ёниган кўлмакка сувин ҳозирлар.

Тошларга қамалган бутуп оқимлар  
 ундаи унут бўлиб кетган сувилон  
 аста бўйиш чўзар:  
 «Бул саёҳатга  
 ўзимман дегаддай танги ҳукмрон...»  
 Ҳаво сувга айланар, қуруқ ўтга тегиб,  
 кимдир мажлис йиғар, овози ширин.

Бир-бирига сингмиш бизнинг соялар  
 Ётибмиз чигирткалар ишқимизни куйлар.  
 Бизни ифори-ла даволамоқ учун  
 сочларга тирмашар ўтлар-чечаклар,  
 гуллар ўлгандан сўнг қўнғиз бўлиб қолар.

Кекирдагини ишга солар икки хўроз,  
 шунданми, оқарар тимқора само.  
 Томирларда исён бошландими ноҳос,  
 Алафлар ифори оғуми ё шифо?  
 ...Биз даво тошгаймиз умум мазорда.

*Охунжон Ҳақимов таржимаси*

## Тушлик

*(Ҳаёт мақтови).*

Ям-яшил кўкат узра  
 ўлтирар улар хушҳол,  
 далалар дostonининг  
 қўшалок сатри мисол.

Ер эдилар пон, пиёз,  
 йиғит билан моҳтоб,  
 тушликнинг тугашини  
 кутиб турарди офтоб.

Улар овқат ер экан  
 кўзлари ёнар эди,  
 гўё янгроқ кенг дала  
 оқланган хона эди...

— Ҳавасим келар, — дедим, —  
 улар ютган ҳавога,  
 улар кўриб ўтирган  
 манзарага, самога.

Ҳавасим келар аста  
 лаблар қимтиган понга,  
 улар ичиб ўтирган  
 сувга-роҳатижонга.

Хуш-хандон кунларига  
 ҳавасим келар эди.  
 Фараҳбахш тунларига  
 ҳавасим келар эди.

Бу кунларни ким инъом  
 этганин улар билмас  
 Шундоқ кечар рўзу шом,  
 улар ҳамон бахтдан маст.

Кексалик не?  
 Билмаслар,  
 Ўлим — келмас хаёлга.  
 Назарларида олам  
 асли шундоқ яралган...

Руҳ не, вужуд шимадир,  
 недир юмуш-ишлари?  
 Олам ичра нима гап?  
 Ўқ бундан ташвишлари.

*Охунжон Ҳакимов таржимаси*

## Деницияни ўпганда

Деницияни ўпганимда мен  
 нур ила зулматни тилгандай бўлдим,  
 ёғаетган қорни кафтларимда илтиб  
 гўёки гулдурак ила маъданининг  
 бўсасига гувоҳ бўлгандай бўлдим!

Деницияни ўпганимда мен  
 қулаган тошларининг кўрдим шиддатин,  
 гўёки жонимни тандан айри қўйиб,  
 гўёки гулларнинг нозик бўйнида  
 мангу олов ёқдим,  
 пишта тутатдим...

Уни ўпиб гўё  
 қишнинг ҳавосин  
 ёзнинг ҳавоси-ла этдим муътадил,  
 гўё  
 олтин конларининг кўзини очдим,  
 гўё мудроқ ичра туш кўраётган  
 инсонлар кўнглига солиб кўрдим қўл.

Чунки, Деницияни ўпган эдим мен,  
 шунда, замин ила кўк ўртасида  
 дўстликнинг бебаҳо риштасин тортган





Илдизи тик ўсган гулга юз бургил,  
мен-чи, лабларингга боқиб рўйп-рост,  
Башорат қиламан:

қай мева ила  
ўзининг умрига яқин ясар ёз.  
Сўзла, сен бўлмасанг, шўх сўзлаб, жўшиб,  
ким озод этарди қафасдан қушни?

*Охунжон Ҳакимов таржимаси*

## Олов билмас, кул ҳам билмайди...

*(Кўмир ёндирувчининг шикоят).*

Охир кул бўлишин биллолмайди олов,  
билмас кул бўлгунча не эди кул ҳам.  
Ўиллар ўтаверар  
бирова олов яшар,  
бирова — диққинафас,  
буларнинг баридан беҳабар йил ҳам.

Неча бор ёнганни биллолмайди олов,  
билмайди, не боис айланди кулга,  
ўт билмас у қандай пайдо бўлганини,  
кул билмас ёниб сўнг адо бўлганини.

Мен биларман олов асли нимадир,  
биларман оловнинг не эканини  
аммо ўт билмайди,  
кул ҳам билмайди  
бири бировига не деганини!

Олов биллолмайди  
тошни тошга уриб  
кимлар яратганини зарблардан учқун.  
Агар мен бўлмасам,  
мен туғилмасам  
кимлар ёритарди зулмат қаърини,  
ўрмону, тоғу тош, бари-барини?  
Бахт недир, бебахт не — мавҳум чоғларда  
Ҳарорат, роҳат не — мавҳум чоғларда  
унга қувончларини бахш этарди ким?  
Ўт қулни не қилсин, билмасдан гарап,  
кул ўтга не десин,  
билмай ҳоли танг.  
Мен биларман кимда кимнинг иши бор,





Македони шеърияти  
антологияси

## ВЛАДА УРОШЕВИЧ

1934



Шоир, ёзувчи ва танқидчи.  
Қўплаб македон шеърияти  
антологиялари тузган.  
«Ўзга шаҳар» (1962),  
«Қўринмас одам» (1962),  
«Ез ёмғири» (1967),  
«Юлдуз тарозуси» (1973),  
«Кесон» (1975),  
«Босинқираш ва бўшлиқ»  
(1979) шеърий тўпламлари  
бор.



## Жануб юлдузи

Мен излаган ул сўз қайда, қаердадир ул Ватан,  
ул болалик манзараси, ул девор нақшини, чаман,  
ул из қайда, юлдуз қайда,  
асли йўқ шаҳар қайда,  
қайда ул юрт — унинг помин дейдилар Алдебаран?<sup>1</sup>

Уйқумга ҳам кирмаган туш қайда, қайдадир ул йўл,  
ул тимсолки, маъносидан Мосуво бўлмиш буткул,  
қайда ул ёз, денгиз, осмон,  
кул ичра ниҳон майса,  
Алдебаран деган суруд, дилдан чиққан куй, усул?

Қайдадир ул кечиккан сас, ул ўт, мен унга маҳтал,  
қайда ул чол, ки ҳар тонгга умид боғлайди тугал.  
қайда ул ранг, ул муҳаббат,  
Пўрғакда теккан бир дард,  
қайдадир ул Алдебаран, ул нажиб адо гўзал?

Борган ерда барчага ёт йўловчи қайла экан,  
қайда илди, қайда ул мавж, мавжлардан тугилган шап,  
қайда ул қуш, ўрмон, дарё.  
Сўзла, эй кўҳна дунё  
борликка бор,  
йўқликка йўқ,  
қайда ул Алдебаран?

*Муҳаммад Али таржимаси*

## Уйқудаги аёл

Чироқ ёнар, аёл туши кўп нурли,  
Мушук майингина йўрғалар унда.  
Ўрмон ўрмон билан сўйлашар сирли,  
Маъсум кўллар пайдо бўлар Заминда.

Аёл жим, тинч, ёшиқ бир китоб янгли,  
Тилсиз ҳаракатлар аммо унда жо.  
Остонада — юлдуз, йўлбарс ва баллиқ...  
Унинг қўлини ялаб-юлқишар, Рўё.

Ким билан кетгай ул, кимга бергай қўл,  
Ким уни уйғотар уйқудан, қачон?

<sup>1</sup> Алдебаран — юлдуз номиди.

Пўлбарга қай ўрмон, балиққа қай кўл,  
Юлдузга зор эрур, айтинг, қай осмон?

*Муҳаммад Али таржимаси*

## Расадхонадаги тентаклар

Хатто олис-олислардан кўришар шаксиз аён  
Телескопдан юлдузларга тикилган эчкўз кўзлар.  
Оғзидан сув келганини ҳаттоки сезмас бу он  
Ул таъмали нигоҳини осмондан узмай улар.

Қандай қилиб бу маконга келиб қолишди, қачон?  
Ким буларга рухсат берди — ҳаммаси айқаш-уйқаш...  
Пароканда Сомон йўли, Катта Айиқ йўқ бу он,  
Насиб қилмас ҳеч бир зотга энди уларни пайқаш.

Тўғри, суйри, доиравий ҳаракатлар узилган,  
ҳисоб чалқаш. О, осмонни не кўйга қўйди солиб:  
Мангу само тартиблари бу кун нотинч, бузилган,  
Тентаклар-чи, тиржайишар ўз ишидан завқ олиб.

*Исмоил Маҳмуд таржимаси*

## Юлдузли боғлар

Ҳар бир мева ичра юлдуз эрур жо,  
Ҳар бир мева асли ўзи бир олам:  
Оддий пўстлоқ ичра тубсиз бир маъво,  
Сеҳру тартибсизлик, туман... бари жам.

Пишган меваларни ичдан нурлатар  
Данақ ичидаги ялакат мағиз.  
Олам бир бутоққа осилиб ётар:  
Мева кинотдур, таъми нур, шаксиз.

Унда бор ҳаракат — ботиний мазмун,  
Кўкка учган учқур ракета мисол.  
Шундадир кинот сирлари бутун,  
Космик парвозларга шу мева тинсол.

*Исмоил Маҳмуд таржимаси*

Македонија шеърпяти  
антологияси

# ИОВАН КОТЕВСКИ

1935



Шоир.

«Субҳидам кулгуси»  
(1958), «Ер ва аҳтирос»  
(1958), «Оғир замонлар»  
(1963), «Вазминлик»  
(1965), «Яшил дарвоза»  
(1975), «Гераклеа» (1978),  
«Морь» (1981),  
«Бедорлик ва туш» (1982)  
сингари тўпламлари бор.



## Тупроқ

Қақраган далада қақраган тупроқ,  
Фарёдларнинг отлиқ лашкари.

Бу тупроқ

Ўлиб ётган ёлғиз одамнинг

Сарғайган саройи олдида

Бир печа томчи қонга ташнадир.

Уфқда қоп-қора атиргул

Тақаларни чақа қилади.

Сув ҳам йўқ,

Нон ҳам йўқ,

О, даҳшат!

Синглим эса далада тамаки терар.

Фарёд келар қишлоқ томондан,

Қишлоқнинг фарёди.

Қоп-қора, қақроқ тупроқ

Уруғ қадалишини кутиб ётганда

Баҳор ҳали келмаган эди.

Ўлиб ётган одам

Тириклигида

Унга пичоқ урдилар.

Тупроқ гичирлайди кафтида

Тупроқ учун, ер учун

Ўлдирдилар уни.

Илдизда ном туғилган дамда

Ерининг жоисиз тапасини

Кўтариб олмоқ учун

Осмондан тушмади бирон фаришта.

Бундан бир печа бор

Қуёш ботмасидан олдин

Қоп-қора, қақраган тупроқнинг

Қуёшни ботди.

Елкасидан учган бир хокман унинг,

Менинг ҳам

Бу тупроқ учун йиғлаётган

Ўз қоним бор.

Қақроқ ерда қақроқ тупроқдан

Яна битта қабр кўпайди.

Яна битта очилмаган сирни

Очар тупроқ пичоқ олдида.

Пичоқмисан пичоқ экаи ўзи ҳам!

Юрагим,

Бу пичоқ

Опиноқ бинафшадап

Ёстиқ солиб беради сенга.

Ерни яхши кўрган одамнинг

Кўнгини оч поми бўларди.

Тушида гулларга бурканган тупроқ

Қуёш ботишида



Неча марта күйишини ҳам  
 Туш кўриб ётади.  
 Қапча экан қора отлиқлар,  
 Ердан тиртиқ тушган қора фарёдлар  
 Қапча экан,  
 Юзтами  
 Ёки ундан ҳам кўпми?  
 Шуларни ўйлайди тупроқ тушида.  
 «Одамлар,  
 Жароҳатимга етарлик  
 Бир ҳовуч тупроқ  
 Олиб беринглар!» — деб қичқиради,  
 Қизлар учун очиб қўйилган  
 Дарвоза олдида турган ажал  
 Ошпоқ тишларини кўрсатиб.  
 Қақраган далада қақраган тупроқ.  
 Фаршталар келмай қўя қўялишини.  
 Керак эмас.

*Машираб Бобоев таржимаси*

## Аскарлар

### I

Ҳаёт, қуёш манбаи — булоқ,  
 Сенинг овозингга чўқинаман мен,  
 Бу ернинг баҳри ҳам бегонадир.  
 Гуллар яланғоч ерни  
 Нозик томир бўлиб ўраётганини,  
 Юракни тош тирнаётганини,  
 Нам оқоғда оч итнинг  
 Ҳураётганини  
 Ҳис қиламан мен.  
 Булоғим, баҳорнинг нурли манбаи,  
 Ўлимга жуда ҳам яқин турибмиз.

### II

Пичоқ, олов билан қелади дўстим,  
 Нега нафратимни яширолмайман?  
 Ажал жануб шабадасидай  
 Кипригимга яқинлашмоқда,  
 Озгина сукунат қолди, холос.

## III

Унинг пичоғи бор эди.  
 У бу пичоқни  
 Бегона гўшт орасига,  
 Иккита қип-қизил атиргул ўрасига,  
 Нафрат беркиниб ётган жойга  
 Беркитмоқчи эди.  
 Бошқа одамнинг эса  
 Нафрат беркинган пичоқни  
 Беркитадиган  
 Атиргули йўқ эди.  
 Булоқда катта қуёш  
 Сувдан катта гулчамбар тўқирди.  
 Одамнинг иссиқ қонида  
 Қуёшга жой бор эди ҳали.  
 Пўлат пичоқ  
 Атиргулларни бўғмоқ учун  
 Эшикни очди —  
 Кўр нафрат ҳамон кўр эди.  
 Тупроққа бўлган оч эҳтирос  
 Туфайлигина  
 Қизил атиргулларнинг  
 Орасини ёрди пичоқ.

## IV

Бугдой униб чиқди.  
 Жануб томон йўл олди улар.  
 Ўғитланган далада  
 Тилла тақа топиб олди болалар.  
 (Дарё ҳам жанубга қараб оқарди.)  
 Гўзал қўшнимизни кузатиб юрар  
 Тунда ой.  
 Аскарлар позиккина майсага  
 Катта сирни жойладилар.  
 (Одамлар жанубга кетишган.)  
 Неча йилдан бери қуёш куймоқда.  
 Аёллар эса:  
 «Муқаддас жой!» — деб қичқирадилар.  
 Жанубдан кўзини узмайди гўзал.

## V

## 1

Сўзларни таржима қилди тупроқ.  
 Одамларнинг бири  
 Мангуликка окопга кўчди.  
 Иккинчиси эса — ўйнар ўт билан.

Энди амал ола бошлаган баҳор  
 Ер узра ўзини зўрға тутади.  
 Қиз эса,  
 Муҳаббат туфайли ҳалок бўлган  
 Сурагда эди.

## 2

У Янменда эрга тегди,  
 Кўз ёши — дарё,  
 Сочлари  
 Оғушдаги елқаси узра  
 Плон каби тўлғонадилар.

## 3

Тунда ер  
 Қора атиргулга кўчиб ўтади.  
 Ой эса,  
 Никоҳ узугини сувга ташлайди.  
 Дарё потинч.

## 4

Рангсиз ниқоб кийган аскарлар  
 Нафратни топтайдилар.  
 Оғир кўприклар остида  
 Секингина оқади сув.

## 5

Янменда яннайди баҳор.  
 Эски дубнинг илдиэлари ҳам  
 Яшариб кетган.  
 — Қўйинглар уни, — дейишеди аскарлар, —  
 Ақлдан озган у  
 Ана, кўкси яланғоч,  
 Йўлдан узмас кўзини,  
 Ақлдан озган.

## VI

Баҳорнинг оқ йўлларида  
 Уйқу,  
 Сукунатни излар аскарлар.  
 Энди-чи?  
 Яланғоч аёл  
 Ерга соясини ташлайди.  
 Кумуш сувда якун топди қиш.

Баҳор қанотида келар муҳаббат.  
Сувлар узра бутун бошқа овозда  
Майини қўшиғини бошлайди булбул.

*Машираб Бобоев таржимаси*

## Минора

Дардларга даво бўлиб  
Чиқажак қуёш тарафда  
Ўтмиш қайлардадир чўкиб кетади.  
Минора,  
Вақт қорайтириб юборган минора  
Шоҳнинг продасига кўра  
Хуркканча сояда турибди.  
Папжалари шамдай бўлиб,  
Вужудимизда  
Ўйга чўмиб ўтирибди қизларимиз.  
Ким кутиб олади сизни узум тутиб,  
Учрашганда танийсизми бир-бирингизни?  
Қабр бошидаги чанг босган соялар,  
Сув оқаяпти-ку, йўқолинг энди.  
Сув оқади, лекин ҳеч ким ичмайди уни.  
Минора тошлари нураб боради.  
Яқин қолди, жуда яқин қолди,  
Тиллага ўрар куз тез орада уни.  
Дарёлар денгизга шошиладилар,  
Тоғларда булоқлар шилдирашади.  
Ажабланиб кутиб олади бизни  
Овози жарангдор сайроқли қуш.  
Биз қайси қувурдан сув ичайлик, замои?  
Тепаликларда тарвақайлаган  
Заранг дарахтлар.  
Қушча қанотида учаётган ёз  
Биз кетгандан кейин ўлади.  
Қуёш чиқадиган томонда эса  
Чекинади тун.

*Машираб Бобоев таржимаси*

Македония шеърляги  
антологияси


## МИХАИЛ РЕНЖОВ

1936



Шоир.

«Оловга кирган одам»  
(1965), «Сузнинг кечки  
жилоси» (1967), «Қаерда?  
Бу тамонда» (1968),  
«Босинқираш» (1972),  
«Кўрқинч» (1976),  
«Ярим тун» (1979),  
«Нерези» (1982)  
тўпламларининг муаллифи.



## Қалъа

Ҳеч ким қайта тикламади, кўриб турибсан,  
Сўнгакларинг қолаберди ерда хокисор.  
Қани жўшган қон томиринг, қайнашлар қани,  
Қани қалбинг аро оққан мавжли туйғулар?

Энди сенга на черковлар,  
На мурдалар юз кўрсатар...  
Оҳ!

Сезмадингми, бунда фақат бойқушлар қолмиш,  
Ҳатто сендан пзи олмай  
кетмиш бургутлар.  
Пзи олмай ва дардларни этмаёқ пзҳор.

На кўринар художўйлар,  
На отликлар...  
Оҳ!

Йиллар сўриб олди бору йўғингни тамом,  
Ўтди-кетди телба ҳайвон, тавқи-лаънатдек.  
Қани кўнглинг кўтаргудек на бирор томчи,  
На бир ушоқ тошилсайди...

Елканг эзар фақат қуруқ,  
Залворли тошлар.  
Бонинг узра қиличипи ўйнатар чақмоқ...  
Оҳ!

*Едгор Обид таржимаси*

## Соҳил узра қизғалдоқлар, какликлар...

Соҳил узра қизғалдоқлар, какликлар ўйпар...  
Қуйпроқда кимдир ухлар, кўрар ширин туш.

Ким яширмиш соямни  
Гуллар бағрига?

Жўр бўлгим бор тўрғайнинг  
Пуштиранг қўшиғига  
Қўшиғин тиниқлиги  
Тиндиради кўзимни.

Елғизлигим ваҳм тўла  
Жарангдорлигин  
Бўғмоқ бўлар ким?..

Соҳил узра терга ботган чавандоз елар,  
Қуйироқда кимдир ухлар, кўрар ширин туш...

*Едгор Обид таржимаси*

## Шамоллар

Билмас эдим ўзим ҳам, қайга —  
Тунда мени ола кетдилар.

Шовуиларди юлдузлар фақат,  
Денгиз енгил нафас оларди.  
Мен дунёга ташлардим назар,  
Сўнг бахтиёр,  
Қайтар эдим  
Елғиз.  
Ортимга.

Ногоҳ яна бўлурлар пайдо.  
Навоқат-ла елиб, имларлар...  
Аммо шу оп,  
Аммо шу он...  
Тонг отиб қолар.

*Едгор Обид таржимаси*

## Илон

Елғиз сайр қилдим  
Денгизлар аро,  
Булутлардан булутларга  
Кўчиб юрдим мен  
Илоннинг  
Учағон  
Аравасида.  
Энди эртақларда  
Қолиб кетди у,  
Пўқ энди  
Шиддаткор  
Ўша арава.  
Фақат илон қолди,  
Фақат илон қолди,  
Фақат...

*Едгор Обид таржимаси*

## Чошгоҳ

Оппоқ кўппик қушлар — денгиз тўшида,  
Мен эса ёлғизман аёл тушида...

Ҳеч ким таъқиб этмас, ҳайдаб юбормас,  
Мени аёл туши асраб қолар, бас...

*Едгор Обид таржимаси*





Македонија шеърини  
антологияси

## ПЕТАР Т.БОШКОВ- СКИ

1936



Шоир ва танқидчи.  
«Қуриган сой» (1962),  
«Тоголчадан бўлган  
тўшак» (1970) шеърини  
тўпламлари бор.

## . Айвондаги ўрин

Болакай ухлашни хоҳламас,  
ушнинг кинриклари остига  
қамалгандир қушнинг парвози.

Сирли бир нарсанинг жодуси  
ташлаб кетилгандай айвонга:  
ҳаво чойшабида — ўт ёлқинлари.

Атрофга ёйилган бир бало:  
уни аввал кўрганди чоғи,  
Аммо энди пайқади илк бор.

Болакай йиғлашни хоҳламас,  
аммо кимдан билса бўларкин  
шамолларнинг қайда ўлиши?

Қайдадир кечанинг бағрида  
ақиллаган овоз таралар  
ва урилар тўғри бўғзига.

Тупроқдан чиққандир осмон,  
сарик сочма яра — танида,  
ўғирлаган бир-бир ҳар кимдан.

Болакай юлдузга қарайди,  
юлдузингни кўрсанг ўласан  
деб айтишган бўлса ҳам минг бор.

Эҳтимол, ўзгарган тупроқнинг  
ҳовлидаги хўроз қаршида  
кўз очилиш вақти келгандир.

Чунки, ким билади, айвонда  
уйқу оқимлари бўлмагач  
рўй бераркин не ҳодисалар?

*Миразиз Аъзам таржимаси*

## Иблислар тепаси

Тўпланиб кеккаярлар улар, аммо ўжарлар.  
Ҳар ким янги кашфини қилмоғи керак эълон.  
Алмашув эмасми бу эскини сийқа билан?  
Гап бошлангга тоби йўқ, ҳар кимнинг жаҳли қистар.

Кўйигилда ўзга фикр, вақт қисман шундай ўтар,  
 ёвуз ўйин ўйнарлар, шу деб келганлар буён:  
 атворларни тоблашар фойда кўрар деб инсон;  
 олдинги бу манманлар майнавозликка кўнар.

Қайнар қоқ тепа: кимдир оёғи бўлиб осмон,  
 бир-бирига қоқилар, кийинин йиғар кимдир,  
 шайтон думин ўйнатиб, муштлашиб, думалайдир —

ахийри ғойиб бўлар келган йўлига рабон...  
 Олдин том бўлиб хизмат қилган қадимий дарахт  
 кулидан силкингандай, силкинар босиб даҳшат.

*Миразиз Аъзам таржимаси*

## Сир

Вафолни қул бир сирни ерга кўмади, бироқ  
 ердан қорағат унар ичи ковак, жуда соз,  
 чўпон сивизга қилар, ундан чиқар бир овоз:  
 «Троя подшоҳининг қулоғи эчки қулоқ».

Қора тобутда ётар нимяланғоч бир жоноп,  
 жодугар чол кўз бойлаб, уни дангал арралар,  
 пирип бир ишончсизлик бўғизларда айланар,  
 чин билиб кўрган нарсани бўлиб чиқади ёлғон.

Лоий сувдан оқиб келар тиқин тиқилган шиша,  
 уни қўлинига олсанг вабо тарқар ҳамиша;  
 кел, бу манзара терсин қилайлик, эй қадрдон.

Кимнингдир алп қулоғи ер айбин илғаб, англар,  
 ким боқиб юлдузларга, топар қизиқ ишонлар:  
 ўзига ўзи қарши бораётир бу жаҳон.

*Миразиз Аъзам таржимаси*

## Илон ҳақида эртак

Қалин ўрмонда кезар қобонларнинг қобони,  
 қобоннинг юрагида ҳушёр ухлар шўм лочип,  
 лочиннинг тухуми бор, унда финдиқ яширин,  
 финдиқда — қурт, шу қуртда яширин илон жонп.

Ким қобонни ўлдирса, лочинни этгай халос,  
 унинг тухумин олиб, тухумдан олар финдиқ,  
 ким шу финдиқни чақса, қуртин ўлдирса аниқ,  
 вайронликлар келтирган илондан олар қасос.

Ҳозирча плон жонн кезар, тиркидир бу жон,  
уинн қудрати буюк, бизга бермайди омон:  
бундайлар шафқат билмас, уларга ўтмас қилч.

Уларни куч енголмас, ажал ҳам олмайtir.  
Эртақда енгсин учун туғилар айёр ботир.  
Плон қалбни янчишга топиларми яна куч?

*Мирализ Аъзам таржумаси*

## РАДОВАН ПАВЛОВ- СКИ

1937



Шоир.

«Қурғоқчилик, тўй ва  
кўчманчилик» (1961),  
«Кема» (1964),  
«Чошгоҳ» (1966),  
«Шаффоф қилич нурида»  
(1971), «Илон ўйлаб ҳам  
кўрмаган қуёш ҳақида»  
(1972), «Базм» (1972),  
«Уруғ» (1975), «Чақмоқ»  
(1978), «Қоровуллар»  
(1980) сингари шеърний  
тўпламлари чоп этилган.

## Туш пайтида ухлаб қолган йигит

Ўлим садолари  
 ухлатар сени,  
 навжувон йигит.  
 Кўзларингни оч!  
 Кўкатлар, чолқилар сасига тўлган  
 поёнсиз бир дала сенга интизор.  
 Эрталабки офтоб — таомли баркаш  
 устида ноиларин синдирар  
 ер ҳайдовчилар.  
 Туш пайти кечанинг қора илларин  
 яшириб қўйган.  
 Тагингда кўмгансан ою тошларни.  
 Хилват жойдан ўнлаб чавандоз  
 даҳшат тўлқинидай бостириб келар,  
 Заифгина ўсимлик  
 ерга боғлаб қўйган бармоқларингни,  
 Тушги хумор лабларингдан ўптирмагунигча  
 қўйвормайди энди у сени..  
 Майсалардан кўтарилар  
 марҳум ошиқларнинг қўшиғи.  
 Кўзларингни очақол, йигит!  
 Ток новдаларидан тўқилган қайиғим  
 денгиз сари чорлайди мени  
 хирқираган овози билан.  
 Гоҳо уйқудаги мавжудотда  
 жондан асар бўлмас.  
 Гоҳо жиннимасманми, деб  
 сўрайман ўзимдан ўзим.  
 Маана, оқшом тушди.  
 Сени уйғотмоқчи бўлишар,  
 Сен эса юлдузлар харитасин чизаркан  
 чуқур-чуқур пафас оласан,  
 Кўзларингни очақол, йигит!  
 Сўйлаб бергин қандай тушлар кўрганингни.  
 Кейин салқинламоқ учун тегирмон шамолдан  
 Темир Дарё бўйига борамиз учқур отда.  
 Шамолдан тикилган қўйлагимни  
 эзилган чечак-ла қадагач,  
 уйга кираман, о, севги!  
 О, навжувон йигит, айтгил,  
 агар кўзларингни очолмаётган бўлсанг,  
 лоақал тушингда не ичаётганинг айт?

*Шавкат Раҳмон таржимаси*

## Уч бошли араб ҳақида уч бошли қўшиқ

### 1

Биринчи бошидан мовий шамол отилар,  
шундан боғлар кўринмоққа журъат қилолмас.  
Чодирларни, оҳларни чўзиб ёяди.  
Қишлоқларда капалакгулларнинг  
кўзларини суздириб ўтар.  
Унинг шпак каби овози  
ёш қизларнинг тушига кириб,  
алғов-далғов қилар, қилч ишораси-ла  
унларини ўчирар.  
Очликнинг икки тунжи  
бир-бирига тегар ҳавода,  
гирядан дарак бериб,  
хиралашар сўнг.  
Қорлар,  
қишлоқларни ёритган қорлар  
эриб кетар даҳшатдан.  
Заргар эса  
қизларнинг кўз ёшларидан  
марварид ясайди  
Қора Арабнинг мовий шамолига.

### 2

Иккинчи бошидан қизил шамол отилар.  
Ёнаётган ипларда ўралашган юлдузлар  
унга тўшак ҳозирлар.  
О, муҳаббат алангаси.  
Олов юрагидан кул олиб  
ёпиштирди кўринарли жойга лулликўрт  
Қоралиги кўришиб турмоғи учун.  
Унинг дарди қўзир ҳавода  
ва ойдияда кўринар фақат.  
Яшил зонтилар устидан  
заҳар тизиллатаркан,  
қурбонларни чўктирар денгиз.  
Сўйилган, қип-қизил сувлар оқди  
уч юзта даҳшатли дод-фарёд билан  
кўприкларни бузароқ.  
Қизил шамол култепалар билан  
қайтиб келар Қора Араб бошига.

### 3

Учинчи бошида  
қора шамол отилар  
сенга.

Кема ясаб бўлсан дарахтдан.  
 О, босқинчи Қора Араб,  
 Қиличнинг қилидан  
 атиргул олдинг,  
 Изтироб чек!  
 Сенинг руҳинг  
 капалакка айланди.

*Шавкат Раҳмон таржимаси*

## Босқинчи қора араб

### 1

Гиря,  
 Қўнғироқлар,  
 Уф,  
 қандай ғамгин қўнғироқлар!  
 Қора Араб учқур отда,  
 қиличини яланғочлаб,  
 ўтди ошноқ йўллардан.  
 Атиргуллар эриб кетди  
 бош устида айланиб,  
 гиря сингари  
 Уҳ, ҳавони бузган  
 бу қора қилич.

### 2

Қора Араб ухлагани қора мишор сари кетди.  
 Бироқ унинг тушини кўрсичқонлар кемгарар.  
 Ой дарахтлар орқасига яшринлар боғда.  
 Ноғоралар, сурнайлар.  
 Бу кимнинг ниш ураётган данагидир.  
 Қора Араб айланар  
 қора йўлларда.  
 Қиличига какку қўниб  
 «Кўк-қу»лай бошлар.  
 Бирга ухламайди юрак ва қилич.  
 «Кўк-қу»лай бошлар.  
 Уйқудан қўрқаман,  
 ақлдан озган ҳолда  
 уйғонишдан қўрқаман.

### 3

Сувлар қуриб қолди.  
 Мен учун бир оҳни чечакдай узгил.  
 Қийиндир юракни ўлдирмак.



О, босқинчи Қора Араб!  
 Сўйлашаман ҳалок этилган  
 руҳлар билан ярим кечаси.  
 Гоҳо тошқин бўлар  
 фақатгина бир одам учун.

*Шавкат Раҳмон таржимаси*

## Сув босқини

### 1

Сув Босқинининг мовий ноғораси  
 даранглар адирларда.  
 Соҳилдаги уйда саросималик.  
 Бошимизни оғир сувга  
 тўлдирар осмон,  
 о чиройли дунёмиз!  
 Наслимизни ерга кўймоқ зарур,  
 Учма, бас қил парвозни, қушча,  
 оғирликни кўтарма.  
 Бизни ўриб кетдилар оёғимиздан.  
 Кўрқиб кетдим қоп-қоронғи омборлардаги  
 тез унаётган уруғларнинг товушларидан.  
 Етти кун деганда  
 пайдо бўлди осмон тубидан  
 ваҳимали Босқин сояси.

### 2

Оғир ўтган ёзнинг гулдирраган қалдиروғи.  
 Отим чоғиб ўтар  
 қоронғи далалардан ёп-ёруғ далаларга.

Ўх, тагимдаги қорақашқа учқур отим,  
 учқунлар сачратгин туёқларингдан,  
 ёндиргил мени.  
 Ҳайвонлар тўшагида ухлайман бу тун.  
 Майсалар шивирлар бошим усгида.  
 Уникдир мовий сувлар,  
 меники — юлдуз,  
 сувга чўкиб ўлган одам фикридай  
 очилмоқчи фикрингизни очувчи юлдуз.

### 3

Тўққизинчи осмонда отим.  
 Неки эксам, экканимдан гиря унди.  
 Нон устида хоч ва совуқ чоғирлар.

Осмонда кўришар ваҳимали Босқин шарпаси.  
 Этай десам, тўшак мени қабул қилмас,  
 Мени чўккан одамдай севади сув.

*Шавкат Раҳмон таржимаси*

## Уруғ сочувчилар

Уруғ сочувчилар  
 ёмғирни қўмсаган уруғлик дон-ла  
 занглаб кетган плугларни ерга кўмибоқ  
 дам олишга ўтирдилар худолар каби.  
 Оғир сувлар ҳансирару  
 қайтадан ясар  
 оқимлар бузворган доираларин.  
 Бекатда бир жувои  
 чиқаётган ойни кузатар,  
 дунё бўйлаб сузар бўсаси.  
 Ўрмонларни чирмадим чилвирлар билан,  
 булоқлардан дарёларни қўйиб юбордим,  
 сўнгра ўпиб қўйдим,  
 яшайверсин ҳомиладор аёл сингарин.  
 Тепамда турибди уруғ Сочувчи.  
 Уруғлари аччиқ бир мева етилар.  
 уларни ҳам экаман.  
 Ўсиш гўзалдир.  
 Эгатда ётаман  
 сим тор узра ётгандай,  
 унаётган уруғларнинг куйини тинглаб.  
 Мени изланг —  
 қалин ўрмон тоқи тагида  
 қувват бериб яшнатаман.  
 етилмаган ҳар бир гнёҳ, ҳар бир чечакни  
 Бир зум тўхта қаршимда  
 бир-биримизга узоқ-узоқ тикилмоқ учун,  
 биздан туғилдиганни  
 ҳимоя қилмоқ учун.

Бу —  
 тўфонлардан кейинги биринчи баҳор.

*Шавкат Раҳмон таржимаси*

## Жавдар

Тоғларимда экиладиган жавдарининг  
 ёнишқоқ ҳам узундир гули. Жавдар ҳидини  
 гулдураклар ёяр ва бу ҳар йил июлда

Буғдой етилганда содир бўлади. Яшил-сарғиш  
 жавдарга қараб туриб вақтнинг бир текисда  
 тўлқинланиб ўтаётганин илғамоқ мумкин.  
 Пишган жавдарни, боғ-боғ бойланган,  
 гарам-гарам жавдарни  
 кун бўйи қиздирган қуёшнинг тафти  
 пасаини биланоқ  
 болалар, хотинлар елкаларида  
 отларда, эшакларда элтишар  
 ой чиққан чоғида  
 тошлоқ йўллардан  
 бутун-бутун оилалар, бутун-бутун маҳаллалар  
 жазирада икки гулдурак аро  
 жавдар боғларини элтишар, бундан ташқари  
 улар саҳармардонлардан қоқ тулларгача  
 ўлим ва балолар чангалидан,  
 она кўкрагидан эрта юлинган бувак каби  
 йўқлик қаъридан умрим  
 қандай юлиб олинган бўлса,  
 худди шундай тош устида ундирилган  
 ҳосил учун жонларини жабборга берар.  
 Энди жавдар қишлоқ ўртасидаги  
 хирмонларда уюлиб,  
 гўё олтин уюмидай ўса бошлайди.  
 Ногоҳ булутлар келар адир ортидан  
 ёпирилган лашкар сингари.  
 Бутун қишлоқ деразалардан  
 ишларидан қараган асаларилардай  
 булутларнинг металлари, тунукалари,  
 товоқлари, столлари, ўроқлари  
 тарақлатиб ураётганин кузатиб турар.  
 Йирик-йирик томчилар шишиб кетган томиларга  
 урила бошлайди тобора тезроқ,  
 олов ва сув айлантларар тегирмон новларини.  
 Мана, жавдар тортилар, юлиб олинди  
 табиатдан машаққатли йил.

*Шавакат Раҳмон таржимаси*

## Таъқиб

Бор донни еб бўлдилар. Бор ғаллазорлар  
 хароб бўлди. Тоғлари буздилар. Жанглари  
 симтўрлардан, элаклардан ўтказдилар,  
 аммо топмадилар Дон юрагини.

Ўтказдилар тўйларини шошиб. Қонун олдида  
 боғладилар эр-хотинлик иттифоқини.

Қурғоқчилик ва Тўфонни никоҳледилар,  
аммо топмадилар Дон севгисини.

*Шавкат Раҳмон таржимаси*

## Кулоллар

Ойнабад тошлардаги сув ўтлоқлари  
тасаввурим билан бирга айланар.  
Мени энди ўз юртимда ҳеч ким танимас.  
Билмайман, не гуноҳ қилгандим срга,  
Қандай оқлаш мумкин болакайларнинг  
ийғисига лим тўлганча оққан,  
ўсимликларга  
ҳақиқат элтмаган сув жиноятини.

Рухимни тебратмас бу сув,  
тебратмайди сувни ҳам руҳим —  
Бу нариги дунёдаги умримизнинг  
ўсимлиги ўсадирган сониясидир.  
Бошимда йиғлайди, нега йиғлар ер?  
Унга бир шакл беришимни истайди,  
шунинг учун ҳам ерга қапишган,  
кўзга тўлган очлик бўшатган кўзаларимни —  
кўнайган фикрларимни қўлларингизда  
ушлай кўрманг асти.  
Майли жафоқаш қпроллим ва девоналим  
мени ҳам ишқимни  
ернинг маст бўлаги каби кашф этсин.  
Қайси бир мозийни тирилтирайин  
жанг қилмоқ учун?  
Қайси ёрга яширайин ўз гуноҳимни?  
Қайси бир келажакни таплайин  
қочмоқлик учун?  
Арфам билан қайси ернинг остида куйлай?  
О, кулоллар!  
Узумнинг кўк шингиллари  
ернинг маст бўлагига  
дўнмагунимизга қадар  
айланади юзимда базмлар аро.

*Шавкат Раҳмон таржимаси*

## Туш пайтида уйғонган йиғит

Қор ёға бошлабди,  
вужуд-вужудимдан совуқ тер оқар,  
дерзанинг тагида ҳам

ҳеч ким қолмабди,  
 фақатгина қора отлиқлар йўртар.  
 Кўзларинг  
 шунчалар яқинки,  
 ҳамдардлик излайди қалбимдан,  
 аммо бунда бир ўзим,  
 боғланганман  
 кузинг сариқ сумбасига,  
 руҳим эса титрайди  
 қорақайин япроғи каби.  
 Шимол ёққа алапгалатар  
 ёнаётган оҳларини севги.  
 Бир чақмоқтош топиб ўзингдан  
 учқун сачратгин.  
 Қуёш сени севади фақат уйғоқлигингда.  
 ў, йиғит,  
 фикран қарағайдай  
 қад ростлаётган йиғит,  
 олгини ушбу замин мевасини  
 бир эгилгин:  
 пастлаб эсган шамол вайрон қилар бор нарсани  
 қудратли сув бор нарсани оқизиб кетар.  
 Майсалар қоплаган сўқмоқлар  
 туш пайти бирлашар магнит додрасида.  
 Қайси қудуқ бошига отимни боғлай  
 қайси бир юлдузда кутайини тонгани?  
 Қайси уйда, о муҳаббат, сен билан ётай.  
 Юлдузлар жадвалида сайрайди қушлар,  
 замин эса тор.

*Шавкат Раҳмон таржимаси*

## Ҳозиргина ниш урган уруғ

Ноунум тупроқда,  
 Кимсасиз замин бурчида,  
 Экилган уруғ,  
 қушлар чўқимидан  
 Қуёшнинг нимтатим нуридан  
 Менинг забтим билан  
 Ушуб,  
 Зиғирдаккина ниш урмиши.

Шу унниши катта ютуқ,  
 Катта жасорат.  
 Уни қора лашкарлар  
 Топтадилар,  
 янчдилар,  
 Лекки синдира олмадилар.

Бу зиғирдек уруғ инончсиэллик ҳудудини  
 Ериб ўтди.  
 Ҳеч кимсани алдамади  
 Унди бисёр,  
 Эл-улусни татинтирди.  
 Кўп ўлкаларда сайёдликда  
 Кезинди, кезди.

*Шамси Одил таржимаси*

## Тухфа

Машоиқлар аввал азалдан  
 Бутун кенг уфқларни  
 Ҳамики,  
 Йўл-йўлакларни;  
 Ҳўшқин қўшиққа  
 Қўшиб,  
     йўғириб, қориб  
 Сенинг номинга,  
 Тухфа этганлар.  
 Шу боисдан, сенинг юлдузинг сернур.  
 Сен қаттиқ тошдан,  
   метиндан  
 Жангари севгидан,  
 Ато бўлгансан.

Шу боисдан,  
 Сен тошга дон сепиб,  
 Самода гул кўкартиргансан.  
 Чақмоқлар чақини,  
 Дон-дуинга ҳеч зиён бермас.  
 Бироқ,  
 Сенинг нуринг ҳамон яшновда  
 Ҳаёт янгиликлари уруғинг дони.  
 Мисранга туроқ.  
 Шу муждалар сенга мукофот  
 Ҳар чоқ!

*Шамси Одил таржимаси*

## Тикка кўтарилиш

Кўтарила оламанми мен тикка?  
 Ғалаба онда сўниб қолар гул.  
 Бир кимса ортимдан босар ярим йўл,  
 Гулнинг тепасида тушади мукка.

Ҳеч нарса соломас мени қийноққа,  
Халқим-ла бўлашдим туйғуларимни.  
Қиймаланай, майли. Чидаб синоққа  
Айтяпман тап тортмай ўз куйларимни.  
Қўтарила оламанми мен тикка,  
Гулларни тутамлаб юксак тоғимда?..  
Ёки учганимча кетарман кўкка  
Уйғона олмаган ёшлик чоғимдай...

*Сайёр таржимаси*

## Лўлилар

Ёзинг айни қайноқ кунлари  
Ёмғир томчиюсидек сочилиб кетган  
Черкови йўқ,  
худоси йўқ сиғинай деса,  
Ватани йўқ,  
этмоқ учун жангда ҳимоя,  
Улар қилч ясашар ўзгаларга.  
Ўзларига эса,  
Олов қўшиқларни олиб қолганлар.  
Улар тўдасида,  
Қимнингки овози баланд бўлса,  
У сўқмоқ йўлларнинг олдида борар!

*Сайёр таржимаси*

Македонија шеърляти  
антологияси

## БОГОМІЛ ПЮЗЕЛ

1939



Шоир, прозаник ва  
драматург.  
«Айиқли ичимлик» (1962),  
«Алхимиклар атиргули»  
(1963), «Мироносници»  
(1965), «Вақт чашмаси»  
(1972), «Йиллар  
ғилдирағи» (1977),  
«Воқелик-ҳамма нарса  
демак» (1980), «Қамал»  
(1981), «Бўм-бўш кoinот»  
(1982) тўпламлари бор.



## Достон

*(Қофиясиз)*

Вақт аталган таранг тор узра  
 гавдаланар оқ итлар ва буғ,  
 қўшиқлар ва енгил қайиқлар.  
 Унда дунё — сайёр,  
 ботирлар собит...  
 Йиғилар — тўйдаи,  
 уйлар — шамолдай,  
 Гўзаллик ва қуёш шуълали отлар  
 қоп-қора гўзаллик гулдуракдан зўр.  
 Унда  
 сеҳрдан ясалган соат ва қурол,  
 оловдан ясалган узук ва қасос.  
 Унда  
 Миноралар ва гулдураклар.

Дунёнинг охири,  
 майнинг боқийлиги.

*Эркин Воҳидов таржимаси*

## Гўзаллик ханжари

*(Аёл монологи).*

1

Нафрат онидур бу он!  
 Мусичалар бергувчи дарак  
 фаслларнинг алмашиш они!

Баҳор келганида кўзуга боқсам,  
 ёғинсиз, ҳосилсиз йил кўзгусига  
 хулук кўришпаман ўз кўзларимга.  
 Севги мендан қочар,  
 қопқа ёнида,  
 ҳамон қор уюлган қопқа ёнида  
 гала қарғаларнинг устига қўниб.

Энди кўркисиз шарпам кезар хонада,  
 хона тўла излар — шарпам излари.  
 Уй эгаси шикорга кетган,  
 янги уруғ, янги қоп овлашга.  
 Рақибам ўзининг ҳос хонасида,

келин хонасида нимадир тўқиб ўтирар,  
 ўз ҳусни қошида оҳиста мудрар,  
 уни ҳозир менинг соям ютади.  
 Сен-чи, уй эгаси, жуда йироқдасан.  
 ушнинг тўлғанишларини,  
 кўзгу олдида тарашишларини кўролмайсан.

Катта сариқ бармоқларим билан  
 деразани очиб қўяман,  
 дераза олдида келар лўлилар,  
 улар сотмоқ бўлар оғули тароқ  
 ва қийшиқ кўзгулар сотмоқ бўларлар.

Ана тўй келмоқда ўзининг даҳшатли,  
 янги ўйлаб топган қуроли билан.  
 Аммо менга фурсат бир қурол берган,  
 Бу — шамолнинг ўткир ханжари,  
 муҳаббат ва нафрат фурсати.

## 2

Фикрим муз қотмоқда. Ташқарида ер —  
 бу навқирон қора тупроқ — қон,  
 хўрозларнинг қони тўкилган.  
 уйнинг эгаси йўқ, ҳамон бедарак.  
 Мен эсам вақт қўлимга тутган  
 ханжарни ҳеч беркитолмайман,  
 йўқ, беркитолмайман тонг нурларидан,  
 оғули совғалар кўтариб келган  
 лўлиларнинг пинҳон нигоҳида ҳам.  
 Ханжар ярақлайди, рақсга тушгувчи  
 қуролли тўйдан ҳам беркитолмайман.  
 Рақибам эса ўзининг хос хонасида  
 хаёлларга банду ҳусни билан маст.  
 Остонада турган шарпамни сезиб,  
 Тушар даҳшатга.

Ҳазаб билан тўла менинг ханжарим.  
 оқ эшиги остонасига уни яшириб бўлмас.  
 У сирғалиб тушар туннинг қора ўрмонлари оша.  
 ёш келин ўйлари риштасини шартга узмоқ учун.  
 Уруғ, қон деб бевақт овга жўнаган  
 Эгамнинг чиройли ханжари.

Туп қора ўрмонлар билан қопланган,  
 Туннинг эшигини бузиб ташлади хаёллар,  
 шарпам шиддатига қаршилик кўрсатмас рақибам.  
 Аста унинг ипак, ҳарири кўйлаклари  
 остидан ўрмалаб кираман. У ғояг гўзал,  
 хаёлларга чўмиб ўтирар,  
 чироқ ёнида...

Лекни менинг оппоқ тонг мисол  
 оқ ханжарим ундан ҳам гўзал!  
 Мен унинг бошини олдим —  
 кесдим чуқур хаёлларини.  
 Оқ томоқлар остида қўшиқ айтди ханжар  
 Ва туманлар ичра йўқолди.  
 Унинг хонумонин барбод этди соям  
 Ҳей сен, Эгам, келиб унинг қонини ўп,  
 Гарчи овда сенга у мадакдор бўлгани йўқ.

## 3

Жўржи кунни мен кесган бош  
 гуллар бўлиб унди далада,  
 чала уйқунинг машъали бўлиб  
 хопани ёритди. Уй барбод бўлди.  
 Лўлилар, тўйчилар уни топтади...  
 У энди яна ҳам гўзал. Ўлимдан гўзал.  
 Оҳ, уни севаман. Севаман малла сочларини,  
 Шарқнинг нур толаларидан пайдо сочларини...  
 Унинг гўзаллигин барбод қилди фурсат,  
 Барбод қилди қисмат...  
 Барбод қилди нафрат...

## 4

Сени истайман, Соҳиб, тўлини ой нүрида  
 Остонанг олдида ўтлар кўкарди.  
 Ўтлар орасида илонлар яшар.  
 Энди бу остона ёнидан ўтар  
 На лўлилар ва на гумбур тўйлар...  
 Чигирткалар келди, вабо тарқалди  
 Барбод қилмоқ учун ҳаёт уруғин.  
 Мен кесган бош чириб тамом бўлди,  
 Вужуддан, чиришдан холи гўзаллик  
 Уйда ёлғиз қолди.  
 Энди мен кечалар ёлғиз кезаман,  
 Ортимда қолади чироқли хона,  
 Ва чанг босиб қолган қотган ноп.  
 Итлар увиллаши тарқалар ҳарёп.  
 Мен тапҳоман...

*Эркин Воҳидов таржимаси*

## Тошга мадҳия

Эй сен, тупроқ билан дўст тутинган тош,  
 Ерга янтиласан, ўзни таплайсан.  
 Лек осмон орзуси билан яшайсан

Мағрурсан, ҳеч нега эгмайдирсан бош.  
 Яланғоч бўлсанг ҳам ҳеч бир вақсиз,  
 Оёқлар остида бўлсанг ҳам забун  
 Қуш бўлиб учганда маконинг гардун,  
 Тош бўлиб урганда — зарбинг хатосиз.  
 Сенга нишон бўлгай тиллар на фақат,  
 Нишондир юрак, ҳис, идроку фикрат.

Эй, сеп, кўнгли қаттиқ, тилсиз, ҳиссиз тош,  
 Ҳаётни бақога қилибсан олмош.  
 Эй, сен, бир замонлар тирик жон бўлган,  
 Гул бўлган, қуш бўлган ё нишон бўлган  
 Яшаб сўнг тугашга кўнмайини зинҳор  
 Асл ҳолатингга қайтибсан такрор.  
 Қайтибсан севганинг ёрнинг тууроққа  
 Борлиқда бўлибсан бош нифоққа.  
 Сенда жилва қилар самовий нурлар,  
 Сенинг қаттиқлигинг кўплар орзулар,  
 Чил-чил қилмоққа бор-йўқни қолдирсан,  
 Нодон кўнглиларга бепарводирсан.  
 Сени ёрғай фақат заррадек уруғ —  
 Ҳаётини куч била қудрати улғ.  
 Эй сен, табиатга эгмайдирган бош  
 Мағруру мустаҳкам ва безавол тош.  
 Сенинг қошингда ҳеч сув, олов, ҳаво,  
 Ерни кўксин эзар зарбинг доимо.  
 Гоҳи юксакдасан, гоҳ қаърдасан.  
 Ҳуру қир, дарёю тоғ — баридасан.  
 Ерни тортиш кучи измингда гўё  
 Гоҳ кўкка учарсан, тушарсан гоҳо.  
 Учмоғинг нимаю тушмоғинг падира  
 Аслида иккиси бир ҳодисадир.  
 Соқинсан, бир вақтда ҳаракатдасан,  
 Поёнсиз маконда ва фурсатдасан  
 Сенга мутлоқ сукут бўлмагай йўлдош  
 Мағруру мустаҳкам ва безавол тош!

Эй тош, сен бамисли юмалоқ яшин,  
 Буткул ёндиргувчи ўт бўл оташин.  
 Турғун тафаккурнинг деворини ёқ,  
 Чиркин туйғуларни кўйдиргин мутлоқ.  
 Ўт қўйгин мағзи пуч, сусткаш шеърларга,  
 Панд бер ўзини вали билган эрларга.  
 Сен Тошсан, сенда ҳеч ҳис йўқ, туйғу йўқ,  
 Одилликда яна сендан эзгу йўқ.  
 Ким учун яхшисан, кимга ёмонсан,  
 Негаки сен — тошсан, сеп — беомонсан.  
 Сепсан бу дунёга берувчи оро  
 Сепсиз гўзаллик ҳам йўқдир мутлақо.  
 Замин сайёраси теварагида

Соқчидек турарсан чегарасида.  
 Юлдуз бўлиб учдинг мисоли чақин,  
 Олис юлдузларни келтирмай яқин.  
 Сен тошсан, йўнилиб кулган худолар,  
 Сен тошсан, уларни қилган адолар.  
 Сен жуда ёмонсан, жуда ёмонсан,  
 Сен тошсан, одилсан ва беомонсан.

*Эркин Воҳидов таржимаси*

## Шопрлик

Охирги сўз — охирги қултум...  
 Столингдан аста турасан  
 Иш вақтини тугатдинг, энди  
 Илк дуч келган автобус билан  
 Одам тўла автобус билан  
 Ўз хонанга қараб борасан.  
 Ошхонанга қараб борасан.  
 Қорнинг очган, танинг жуда зил,  
 Бамисоли оғир қўрғошн.  
 Энди боғнинг мониторин оч,  
 Сўнг осмоннинг газетасин кўр...  
 Қизинг стул келтириб қўяр,  
 Ошхонадап хотин қичқирар —  
 Гўё ўзга замон, макондан:  
 «Овқат тайёр!»  
 Сўнг дастурхондан  
 Туриб боғни кезарсан секин  
 Хаёл қилки, боғ ичида сен  
 Скафандр кийиб олгансен.  
 Маҳкамлашга оворадирсан  
 Скафандр антенналарин...  
 Кабинага қайтмоқ керак, бас.  
 Ана, ўғлинг қичқирар: «Ота,  
 Бу қанақа антиқа махлуқ?...»  
 Яна ўша стол.  
 Яна иш,  
 Стол узра янги оқ қоғоз,  
 Тўппончадек оғир қаламинг...

*Эркин Воҳидов таржимаси*

Македонија шеѓријати  
антологијаси

# ГОРДАНА МИХАЙЛО- ВА-БОШНА- КОВСКА

1940



Шопра, прозани,  
«Ваќт џтди» (1965),  
«Хат» (1974),  
«Делтага киринш» (1981)  
шеѓрий китоблари бор.



## Кўл

Шу атрофда, шу маънос сувда  
яшириниб ётади тушим —  
мўъжазгина ҳаворанг гулим,  
сокин соям,  
кўринмас кўзим.

Шу атрофда, шу кенг маконда  
иссиқ, совуқ оқимлар ичра  
ухлаб ётар узиқ илдизим —  
куним билан тунимнинг боши.

Шу атрофда, ҳаёт бағрида  
яшириниб ётади ўлкам —  
сир тутилган яшил масканим,  
сукунатнинг қўйнида тун-ку  
ухлаб ётган одамлар ахир  
мени хижолатга солувчи фасл  
Келганин ҳам шивирлаб қолар.

*Кутлибека Раҳимбоева таржимаси*

## Вақт кетиб бораётир чексизлик сари

Ёзнинг хушрўй япроқлари  
бари биздадир.  
Лекин вақтнинг мангулигин  
рад қиламиз, рад.  
Эҳ, севгим, шу аснода  
оқмоқда дарё,  
булутларга айланмоқда улкан денгизлар.  
Биз қоламиз далаларда  
унутилганча  
янги ойнинг чиқишини кутамиз муштоқ.  
Эҳ, севгим, шу аснода  
оқмоқда дарё,  
булутларга айланмоқда улкан денгизлар.  
Биз ям-яшил далаларнинг  
соҳпларида  
мўъжазгина уйчаларнинг  
чорчўпи ичра  
фаслларнинг самарасин  
ҳисоб этамиз  
ва қушларнинг буюк кўчи бошланганини  
қайд этамиз,  
йўқотилган вақтнинг сариқ  
тумшуқлари орасида  
ёлғиз қоламиз.

Эҳ, севгилим, шу аснода  
оқмоқда дарё,  
булутларга айланмоқда улкан денгизлар.  
Биз ёзги хуш баргимизсиз  
қолиб кетамиз,  
яшил парча еримизсиз  
қолиб кетамиз,  
энди қушлар учиб юрар  
олис чўлларда.  
Эҳ, севгилим, шу аснода  
оқмоқда дарё,  
булутларга айланмоқда улкан денгизлар.

*Қўтлибека Раҳимбоева таржимаси*



Македонија шеџријати  
антологијаси

# ЧЕДО ЈКИМОВ- СКИ

1940



Шоир.  
«Наргиз» (1966),  
«Елгон денгиз» (1971)  
китоблари бор.

## Кимдир мени чорлаётпир

Кимдир мени чорлаётпир. Бўм-бўш салтанатимга  
Ажиб қўшиқ учиб келар қора водий тарафдан.  
Водий аро минглаб садо эшилди бир қатимга,  
Бир ажиб сир туғилгандай туюлади дафъатан.

Кимдир мени чорлаётпир. Тушиб берсам у томон,  
Ҳаётимнинг сўнгигача аён унда қолмоғим.  
Қўшиқ мени тортар баттар. Дардим эса кўп ёмон,  
Бу зиё ва зимистондан билмайман не олмоғим.

Кимдир мени чорлаётпир. Чирт юмаман кўзимни.  
Зулмат аро ўз қабрини ажал излармикни ё?  
Менинг дардим буркаб борар ғалат водий юзини,  
Ана, шарқдан юлдуз чиқиб, сўроқлар мени гўё.

Арғамчиси шу юлдузга боғлиқ муқаддас сипир  
Илк зиёни шимирини қузатаман бўлиб лол  
Ва у янги юлдуз сари мен, сармаст ва беқадр,  
Енгил олтин аравада йўлга чиқаман хушҳол.

*Ҳусниддин Шарипов таржимаси*

## Наргиз

Тун. Ёнар осмонда беҳисоб юлдуз,  
Ундан бурғу янграр, бошлангандек ов.  
Мен садо санайман: ким билса уч сўз,  
Ҳеч нарса йўқотмас бўлса-да, соқов.

Мен бир сўз биламан, лекин айтолмам,  
«Наргиз» у, тилимни тишлайман холос.  
Музлаб ўлтирибман бошим қилиб хам,  
Янги бошоқларни пшираркан ёз.

Фариштадай бесас пзлайди мени  
Отам юлдузлардан юлдузга ўтиб,  
Онам ҳам пнтивор, истар номини  
Кўп кўҳна китоблар қатини титиб.

Тун. Ёнар осмонда беҳисоб юлдуз.  
Ростдан бурғусини чалмоқда стам.  
Кел, зулмат кезайлик: ким билса уч сўз,  
Ҳеч нарса йўқотмас соқов бўлса ҳам.

*Ҳусниддин Шарипов таржимаси*


Македонија шеърпяти  
антологияси

# АТАНАС ВАНГЕЛОВ

1946



Шоир ва танқидчи.  
«Ер гули» (1966),  
«Тоглар таржимаси»  
(1969), «Ховли» (1975),  
«Манзара ва шарпа» (1976),  
«Ривоят» (1982) шеърпий  
тўпламлари бор.



## Гулнинг шажарасини тушунтириш

Сен ёзсангки:

Мана олов у кучлироқдир  
ваҳм қўшинини енгган жангчидан  
мен  
мен фақат қўшиб қўяй бунга:  
Гул

Сен ёзсангки:

манов ўрмон сенинг умри борингдан кўҳна  
кўҳнароқдир кўксингдаги  
юлдузланиб ёнай деб турган  
кул босган қўрдан  
мен  
мен фақат қўшиб қўяй бунга:  
Гул

Сен ёзсангки:

топ ўша дил ёрилар сўзни  
олислардан интиқ бир сўзни  
ҳеч ким билмайдиган  
ҳамма сўрайдиган сўзни  
мен  
мен фақат қўшиб қўяй бунга:  
Гул

*Омон Матжон таржимаси*

## Шаршара

Мақсадининг сезиб қолсалар ёмон:  
ёнғоқзор қошидан шптоб учасан,  
сариқ гуллар қабатидан баттар шошқин  
ва ҳеч бири журъат этмас ҳеч не демакка:  
сабаби сен уларнинг бул садоқатню  
ва қулларча сомелигин ёмон кўрасан,  
гарчи софлик гўзалликка интилсалар-да.

Азал-абад йўлинг, ушбу маскандан.  
Чор тарафга даҳшат, ларза солиб ўтасан,  
шу феълинг ўзингга ярашган.

Чатоқ аммо мақсадининг билиб қолсалар:  
ногоҳ чалғиб, гир айланиб қолиб бир ерда,  
ўз жисмининг баъзан чил-чил этасан сапчиб.

Кўп олдинда инқирознинг аён этувчи  
бу фидойи жасоратнинг ром этмас мени,

аммо таъна этмасман ҳеч мағрурлигингга  
ва бу тахлит буюкликка ҳавас этмасман.

Тошлар билан боғлиқлигинг аммо ўйлатар:  
Тошлар сенга тезлик, шиддат беради  
ва сен

Уларни ҳам қайта бошдан булёд этасап,  
Сен — тошлардан умидворсан,  
Улар-чи,  
сендан.

Мана шундоқ аён менинг ўз тақдирим ҳам —

сўзлар билан бадбахт қондош-боғлиқлигим бор:  
улар менга шакл беради,  
мен эсам маъно.

Шу тариқа бир-бирова  
қайта бошдан жон бериб, чархлаб,  
биз ўтамыз... бирга...  
шу он яна ажрашиб.

*Омон Матжон таржимаси*

### Соқинликни олқишлаш

Ўта серзё,  
Ва беҳад зулумот —  
Қаъридаги тош устидан бепарво ҳатлаб ўтишдан,  
Бошқа йўқ илож.  
Чунки, барча гўзалликдан,  
Соқин тош ололмас,  
Ривож.

Тошқин дарё, шаршаралар  
Сирдошинг бўлолмас асло.  
Тунд феълини ўрганасан  
Сув сенга ўткинчилик,  
ғанيماتлик  
Асрорини ҳикоя этади.

Гул, гиёҳ, ўт-ўлан,  
Қисмати шу йўсин.  
Тоғлар ҳам ўз кўксига соқинликни сақлайди.  
Товушимизга фақат,  
акси-садо билан

Беради жавоб.  
Соқинликни мангу ёқлайди.

Қушлар ҳам, барча мавжудотлар ҳам,  
Бари борлик ва йўқликдир.

Ўзгаларни ҳам базўр илғаб қоласан.  
 Сокинлик борлигиндан этади оғоҳ.  
 Фақат шамширнинг зарбигина  
 Йўқликдан борликка йўлатмас асло.

Об-ҳаво гоҳо тунд, гоҳида очиқ  
 Тонгни қутамиз интиқ.  
 Тонгда уйқуда — ғафлатда ўтамиз  
 Сокинликни яна мадҳ этамиз.

Оловдан тўраган кул,  
 Бир-бирин этар пикор.  
 Дунёда,  
 Лек сокинлик чидамсиз  
 Азоб.  
 Шовқин, тала-тўнлар,  
 тушуниши

Қийин алаҳсашлар...  
 Қўйингки,  
 Ўзимизда минг-мингта  
 Кемтик, тоб.

Нидосиз сокинлик,  
 даҳшат ва ботинчиликдир.  
 Жонланиш,  
 тирилиш,  
 ҳайқириниш

Ҳаётнинг чин маъносидир.  
 Пинчуқун,  
 Қандай бўлиши ҳам мумкин?  
 Жиммиш,  
 Гунгликдаги сокинлик.  
 Бу худди тўппонча  
 Тепкисини кўтариб қўйиб,  
 Кишининг қоқ чеккасига —  
 Ўқ узишдек нотинчликдир.

*Шамси Одил таржимаси*

Македонија шеѓријати  
антологијаси

# ЕФТИМ КЛЕТНИКОВ

1946



Шоир ва танќидчи.  
«Зангори кул» (1977),  
«Шом ва нур» (1978),  
«Жимирлашган куз»  
(1980) тўпламлари  
муаллифи.



## Денгиз қирғоғида калит қолдирган аёл

Қони жўшиб  
денгизнинг бўйига келган аёллар  
қолдириб кетишар шунда Қалитни.  
Уларнинг берк хонаси — юракларида —  
мева ва атласнинг қуюқ бўйлари,  
қора май кўзаси, бир баркаш юлдуз —  
нурафшон қуёшнинг остида қолган.

Қалит излаб қирғоққа келар эркаклар.  
Уларнинг истаги — зўр мева боис  
синган шох — сўйилган пўстлоқдан  
оқиб чиқаётган ширага ўхшар.  
Аёллар ҳақида сўзлар эканлар,  
уларнинг овози ойнинг остида  
сувнинг бўғиқ шовқини аро  
ўчиб кетар беному нишон —  
денгизнинг бўлажак заҳматкашлари  
номига ёзилган, бироқ вақт ўтиб  
фарқлаб бўлмайдиган овоз ёзуви —  
васият каби.

*Усмон Қўчқоров таржимаси*

## Ярим тун. Сукунат. Бизларнинг уйда идиш тўла сув

Ярим тун. Сукунат. Бизларнинг уйда  
идиш тўла сув. Ундан ўтгувчи  
сирли ип олис юлдуз қиррасини  
тўлқинлари тошиб-қайтгувчи  
тубсиз денгиз билан боғлайди.  
(Оқимлар шовқини, нурлар қўшиғи  
кесишган нуқтада онамнинг қабри.)

Малешевск адирин мевазорлари  
яшилликдан шу қадар софки —  
бурж ундан безовта, кўзгулар унут.  
Отам эса ҳар тун муттасил  
кезар бўлиқ буғдойзор аро —  
ой унинг тоmidан секин ботаркан  
наботот юртига ботгани каби.

Тепаликда турар икковлон  
Қасамёд этганча дахлдорликка.  
Дахлдорлик эса уларнинг  
ковлаб борар пойи заминини —  
баҳорнинг беқарор жароҳатидан  
оқиб чиққан жилға сингари.



Ярим тун. Сукунат. Бизларнинг уйда  
идиш тўла сув. Ундан ўтгувчи  
сирли ил олис юлдуз қиррасини  
тўлқинлари тошиб-қайтгувчи  
тубсиз денгиз билан боғлайди.  
(сирень гулини ковлар мафтункор шуъла,  
гулларнинг зангори саробида жим  
ухлаётган Гўдак пешонасига  
қайдандир олисдан нафис ва позик  
узрилиб тушади ногаҳон гуллар).

*Усмон Қўчқоров таржимаси*

## Қизларнинг қабрига яқин келмангиз

### 1

Шундоқ ҳам қўлига Узук тақмаган  
қизларнинг қабрига яқин келмангиз:  
Тушингизга кирар айқириб  
тераи сувлар ва улар айтмас —  
не-не шабранг хоналарни тик  
босиб келганню ул хоналарда  
қаро тунда нелар кўрганни:  
сизга айтмас — озод бўлдимп  
ёки оғир оқиб келибон,  
мана, ажиб мусаффо тонгда  
тоғ остини қўрқинчли шовқин-  
суронларга кўмиб қўйганин.

### 2

Шундоқ ҳам қўлига Узук тақмаган  
қизларнинг қабрига яқин келмангиз.  
Эрта кўклам, қорлар эриси —  
кўлмакларнинг мовий тубида  
уларнинг чеҳраси бўлур намоён.  
Шунда синар совуқнинг шаҳди,  
номсиз юлдузлардан тўкилар чўғлар,  
кўзалардан қуйила бошлар  
ичилмаган никоҳ шароби;  
мана шудир қизларнинг қабри.  
Ичилмаган никоҳ майин кўзаси.  
Уларнинг сен томон талшнар лаби;  
майданми ёки майданми —  
қандайдир нотамом бир сир уларни  
кечган Барча дамлар қайта кечадиган  
зулумотнинг бўсағасига  
юксалтириб кетади бешак.

Ўшал онни қайта хотирлар Барча,  
 ўлик денгиз кўнчиб боради,  
 ногаҳон ўт тушар мевазорларга.  
 (Оҳ, қора ғам! Ярқирад қуёш  
 ва кун бўйи бизнинг қуршиган  
 лабимизнинг қирғоқларида  
 қизларнинг такрорий таваллудига  
 имкон берадиган бўйлар йиғилар.)

## 3

Зангори овози янграб қизларнинг.  
 Пайдо бўлар оқшомга яқин  
 Шамолларга айланган Ошиқ:  
 тун бўйи шовуллар майсалар аро.  
 Ҳеч нарсаи эшитмас ҳеч ким,  
 ҳатто нелар деганин шамол,  
 бироқ тонгда ёрилар қуртак —  
 оғир гуллар очила бошлар.

Қўзда ҳосил етилиб келар,  
 Биз кўрамиз —  
 бола чеҳрамиз  
 мева қобиғида ястаниб  
 зангори тушлар кўриб ухлашми;  
 бутун баҳор, ёз давомида  
 шаффофлиги билан ўзининг  
 кўнғир-яшил ёнғоқзорларга  
 озиқ берган сокин сув каби —  
 ялтирашми кўриб турамыз  
 болаликнинг чеҳрасин яққол.

## 4

Шундоқ ҳам қўлига Узук такмаган  
 қизларнинг қабрига яқин келмангиз.

Ўрмон Қиролига айланган зулмат  
 кундузнинг энг нузли бир пайти  
 қулгунгизми маҳв этар сизнинг.  
 Шу тариқа қора кийинган  
 жазманларнинг зада юрагин  
 тунда тунги туссиз ўничлар  
 билан семиртириб юборар;  
 лекин қора зулмат ҳеч қачон  
 жазманларда тонг бўлиб олмас,  
 новда эса қора ўрмоннинг  
 янрин кертигига  
 тўкар гулларини.

*Усмон Қўчқоров таржимаси*

## Қалъанинг олинини

Ёз бўйи отлиқлар муттасил  
ҳужум қилиб келди қалъага,  
ва яна мустаҳкам ушбу шаҳарнинг  
зиёфатида —

баркашларда ва меваларда  
ҳукмронлик қилар зулумот.  
Идишлар ўрнига Унинг лаблари  
ёрилган ёруғ бир кун эди,  
вазмин сўзлар ила қадаҳ айтаркан  
ҳис қилди у — қадаҳлар учун  
анча оғир бўлган бу бир қултум май —  
қуёшнинг ўрнига томлар соясин  
қутлайдиган дамга етишмоқ учун  
чемерицалар илдизида  
юзийликлар бўлиб бошланар.

Ёз бўйи отлиқлар муттасил  
ҳужум қилиб келди қалъага,  
айни туш маҳали ҳимоячиларнинг  
хўрсини боис —

мағлуб бўлди-ку  
ҳавонинг зангори кўзаси;  
ўз дардларин боғда шаҳаншоҳ  
баланд кўтараркан дарахтда  
ва очаркан ой кўзини  
кадарларга, қайғуларга —  
истиқболда турган малика  
манзарига йиғламоқ учун:

(Оҳ, сархуш ва янғроқ кўшикка  
тўлиб кетган мафтункор водий,  
ов пайти юраги қонга тўлганлар  
опиоқ ҳавасимнинг чапмаси  
ҳали узоқ лойқатишарми?)

Осмон ва ўтлоқнинг лабларида  
бўсалардан кўкимтир излар,  
еллар эса тепаликдаги  
яккаш қасабани муттасил ўнар —  
отлиқлар от сакратиб, ёзининг  
туб-тубига бўлганда ноил,  
ва саботли ҳимоячилар  
манглайига тушганида куз;  
ҳужумкорлар эса билмаски —  
аллақачон ерилган қалъа,  
унинг суянич тошлари эса  
қулаб тушган ҳимоячиларнинг  
юрагига бор залвор билан.  
Улар билмайдикки, бу тош ёрилиб,

ундан азот учиб чиққан қуш  
қаҳрамон кентларда ин қураб фақат,  
ва бўлажак қушлар галаси  
шарафлайди фақат яраси  
гуллар ётган ўтлоқлар томон  
ағдарилган —  
мағлубларнинг жасоратини.

*Усмон Қўчқоров таржимаси*

Македонија шеърляти  
антологияси

# ЛЮБЧО СИЛЯНОВ- СКИ

1948

Шоир ва прозаик.  
«Қалб кўзгуси» (1974),  
«Илонбалиқ» (1978),  
«Илоннинг овқати» (1981)  
сингари китоблари мавжуд.



## Омбордаги осмон

Денгиз ва осмон ҳақида  
Кўп гаплар айтилган:  
Денгизда поён йўқ,  
Осмонда туб йўқ.

Бир кўз иккичиси  
Илғай олганмас.  
Сийратимиз бўм-бўш.  
Бир буғдой дониға жам бўлган осмон.

Омборда буғдой ва нон мавжуд экан  
Очлик эълон қилиш беҳуда бир гап.  
Чунки биз номавжуд парсадан  
Мавжуд бўлган бойлик яратдик.

*Абдулла Орипов таржимаси*

## Муҳаббат ва меъморлар

Икки юрак оралиғида  
Барпо этди уни меъморлар.  
Тубсиз икки жар орасида  
Бунёд бўлди ғалати бино.

Ҳатто арши аълога қадар  
Кўтардилар унинг қаддини.  
Пастда оққан вақт дарёсининг  
Борлигин ҳам унутди улар.

Бир иморат яралди шундоқ  
Қолди фақат яратиш шавқи.

*Абдулла Орипов таржимаси*

Македония шеърляти  
антологияси

## РАДЕ СИЛЯН

1950

Шоир ва танқидчи.  
«Заминнинг учинчи  
тимсоли» (1975),  
«Воқелик акси» (1980)  
тўпламлари муаллифи.



## Усталар

Уч қишлоқ орасида, уч ўрмон ўртасида  
Улар бино қурмоқда —  
Хаёлий,  
Юксак қадли,  
Бўй етмас,  
Қўша юзли —  
Ўлим биноси.

Уч қишлоқ орасию уч ўрмон ўртасида  
Улар бино қурмоқда:  
Қуёшли узуги бор,  
Турфа хил бўёқлари —  
Ўлим биноси.

Уч қишлоқ орасию уч ўрмон ўртасида  
Улар бино қурмоқда:  
Тақдир ҳам бесаноқ,  
Хотираси ҳам куйсиз  
Юмуқ кўзлар фарёди —  
Ўлим биноси.

*Сайёр таржимаси*




Македонија шеџријати  
антологијаси

## КАТИЦА ЧУЛАВКОВА

1951

Шоира ва танџидчи.  
«Благовешение» (1975),  
«Акт» 1976),  
«Бизнинг ошкоралик»  
(1981) шеџрий китоблари  
бор.



## Шеърят

Сен у ҳақда куйлаган онинг  
 эсламагил денгизни,  
 балки  
 дельфин, дегил, сув ўтлари, дэ,  
 Денгиз сайёҳлари, йодлар, оқимлар,  
 сув босган қурғоқлар,  
 туз, қум, порт, кўчки,  
 ғаввослар, сув ости қазилмалари,  
 ревматизм, вази, галереялар,  
 кема ҳалокати ҳақида сўзла.  
 Сўзлагил дераза тўсиқларидан,  
 кристалл, саргузашт, денгиз касаллиги,  
 ипак ва оқ балиқ олди-сотдискдан,  
 пировард ўлгувчи капитанлардан,  
 умидин йўқотган фоҳишалардан.  
 Сен уни ҳеч нега айлама қиёс.  
 Шунча мўл нур, ҳаёт,  
 шундайин наҳанглар қошида уни  
 алмаштира кўрма ҳеч нарса билан.  
 Денгиз дема.  
 Билсанг, босиб кетажак  
 унинг ўзи сени хомхаёлларсиз...

*Гулчеҳра Нуруллаева таржимаси*

## Музика

Музика,  
 вақтнинг қонунига,  
 ҳаёт тарзига  
 бўйсунмовчи ажиб қудрат у,

Фақат бўйсунди ўзига ўзи.

Бир инсонда қанча ғазилат бўлсин,  
 барибир шунда ҳам бир одам фақат.

Самимиятни у қилмас сунисгеъмол.  
 Бахтсизлик ва эҳтирос ўхшашлигини  
 текислаб кетади унинг қудрати.

Ҳаяжон, туйғулар сирли оламин  
 боштар музика.

Тинглаш мезони-ла  
 ўлчар инсонни.

Музика!  
 Ҷабиҳлик,  
 йўқолмоқ  
 ва ҳужумларни  
 доғ этиб яшовчи жараёндин у.

Унда дил,  
 гунг тил ҳам  
 жаранглаб этади жавлон.  
 Унга кўмак даркор,  
 даркор одамлар,  
 даркордир жимлик...

У турли оҳангда,  
 турфа ижроларда бўлар намён.

Табиий ва сийрак ҳодисаларни  
 уйғотади у  
 қуёш тутилиши,  
 шиқ туғилиши,  
 кун ва тун тенглиги —  
 яхлит оҳанг бўлиб  
 солар ҳайратга.

Музика хурофий одатдан йироқ:  
 гийбатга кўмайди,  
 айбламайди ҳам,  
 ақлу ҳушинг олиб қўяр сеҳрлаб.

У сени етаклаб кетади,  
 олиб кетади у:  
 сен унинг измига тушганда  
 ўзи билан,  
 ёлғиз ўзи билан қолдирар сени...

*Зулфия таржимаси*

Македонија шеърияти  
антологияси

## ГЛИГОР СТОЙКОВ- СКИ

1952

Шоир ва танқидчи.  
«Тоза булмалардаги  
ҳордиқ» (1981) шеърий  
тўплами бор.



## Жангчи ҳақида афсона

Гулдирак тўшагида ҳорғин жангчи ухлайди.  
 У олис фазога йўл солган,  
 Онгида ёққан у ҳақиқ бир чироқ.  
 Туши уни зилол сувлар бағрига элди.  
 Унда нуқра танли болалар  
 Балиқларга эш-сарой қурмоқдалар.  
 тонгда уни қуришадн — кечда тўлқин ювиб кетади.  
 Уша жойда қолдирганча олтин қорачиқ.  
 Ҳорғин жангчи қизғалдоқлар аро ойда борарди.  
 Қалқону ўқ тонготарга поёндоз эди,  
 Ҳатто бир қуш учмас эди, уни уйғотмоққа.  
 Гулдирак олисларди ўзга сайёраларга  
 Жангчи эса жанг қиларди кўздай соққа далада.  
 Ҳамон ухлар кенгликларнинг у ишқибози,  
 Унинг тоза ҳаёллари қуёшгача юксалар.  
 Унга тўшак тўшаб қўйдим кўллардан,  
 Унинг қайтиши менда портлаш қилади.

*Гулчеҳра Жўраева таржимаси*

Македонија шеѓријати  
антологијаси

# ЛИЈАНА ДИРЈАН

1953

Шоира.

«Табииј ходиса» (1981)

шеѓриј туплами бор.



## Чизмадаги йўлбарс

Овлардан олисда,  
хиёнатлардан,  
Осиёдан олис,  
жуфтидан олис,  
чангалзор, нуфуз ва шу кабилардан  
олисларда туриб,  
барига ташна,  
у сакрар қафасдан,  
чизмадан,  
рўйхатдан  
тақлидчига қасд,  
асл нусхасига  
қайтмоқлик учун..

*Гулчеҳра Нуруллаева таржимаси*

Македония шеърляти  
антологияси

# ИОРДАН ПЛЕВНЕСИ

1953

Шоир ва драматург.  
«Заҳар қонуни» (1979)  
шеърлий китобининг  
муаллифи.





## Мархум Константин шаънига айтилган қўшиқ

Нимадир ногаҳон отилиб чиқди  
Босфор тўлқинларидан.  
Булулар янглиғ сузиб ўтди  
Қўрқувимнинг қалъаси узра,  
Яна боши узра қуйилди шунда.  
Англаб бўлмас товуш тамғаси,  
Овозмиди, қўшиқмиди,  
Ва ё учаётган қабрмиди у?

Истамбулга келганимда энг мудҳиш онда  
Жонни қайтармоққа жануб ўтлоқларига  
бўлган эди кеч.  
У мен билан қолди-ю,  
Менсиз эди у.  
Қайдан топсак дея сурардик хәёл  
Яншилик йигитни ва Дримани бизлар.

1861. Қайси қамоқхона? Қанақа оғу?  
Кўз ўнгимга келтирмам сўнгги тушингни.  
Сен ва сенинг уканг қонсиз,  
Спёҳсиз, беватан.  
Улоқтирадилар ҳиссиз беюпун.  
Гуноҳлар, империялар, суяклар сиз учун  
Англаб бўлмас нарсаларди 1861 йилда.

Ёғарди ёмғир.  
Жарангдор таржимаи ҳолга  
Сингиб кетди тун ҳам,—

Нотаниш фантаст айтган  
Таржимаи ҳол бўёқларига.  
Қўшденгизлик ваъда қилди  
Саробсимон кўприкни,  
Ўшанда мен ўйлар эдим Македонияни:  
Ўйлардим сўрилар, мойчечаклар, олхўриларни,  
Ўйлар эдим ўтлоқларни;  
Ҳатто қабринг устидан  
Оқиб ўтган анҳорни ҳам.  
Кўзи совуқ ёвуз қузғунлар  
Чўқир эди гўёки мени,  
Шеърларингдан лоақал бироргасин  
Юрагимда туймоқ учун,—  
Дилга кўчирмоқ учун  
Менга зарур эди совуқ хона,  
Менга даркор эди Москва!

## Мундарига

5 Қадимий ва навқирон ўлка шеърляти. Абдулла Орипов

### Кочо Рақин<sup>4</sup>

8 Ленка. *Ойдин Ҳожиева* таржимаси  
8 Стругада устахонам бўлсайди. *Ойдин Ҳожиева* таржимаси  
12 Қўшчилар. *Ойдин Ҳожиева* таржимаси

### Славко Яневски

16 Мезон. *Азим Суюн* таржимаси  
16 Жами уруш қурбонларига. *Азим Суюн* таржимаси  
17 Тош ҳақида баллада. *Муҳаммад Солиҳ* таржимаси.  
18 Одний қўшиқ. *Муҳаммад Солиҳ* таржимаси  
18 Осмон буржидан ўз-ўзини қувганлар. *Азим Суюн* таржимаси  
20 Орзулар. *Муҳаммад Солиҳ* таржимаси  
21 Афсунгар. *Муҳаммад Солиҳ* таржимаси  
21 Чой ва афсун. *Азим Суюн* таржимаси

### Блаже Конески

23 Камшир. *Хушид Даврон* таржимаси  
23 Сули. *Хушид Даврон* таржимаси  
23 Кўл қиргоғида ухлаган бола. *Хушид Даврон* таржимаси.  
24 Тўладан келган уч аёл. *Хушид Даврон* таржимаси  
24 Хаста Дойчин. *Хушид Даврон* таржимаси  
26 Тўғон. *Хушид Даврон* таржимаси  
28 Қўрғон. *Хушид Даврон* таржимаси  
30 Иттена. *Хушид Даврон* таржимаси

### Ацо Шопов

33 Ёзлигим. *Тўлан Низом* таржимаси  
33 Бир шум ажал. *Тўлан Низом* таржимаси  
33 Сўз туғилар. *Тўлан Низом* таржимаси  
34 Тун чашмаси. *Тўлан Низом* таржимаси

### Србо Ивановски

36 Кашталар. *Муҳаммад Раҳмон* таржимаси

<sup>1</sup> Авторлар ҳақидаги маълумотни Ботир Норбоев ўзбекчага таржима қилган.

- 37 Ёлик товус ва атиргул. *Муҳаммад Раҳмон* таржимаси  
 38 Сир. *Муҳаммад Раҳмон* таржимаси  
 39 Шундай дон бор. *Муҳаммад Раҳмон* таржимаси

#### Гане Тодоровски

- 40 Сарв ҳақида етти қўшиқ. *Раззоқ Абдурашид* таржимаси  
 41 Шамол тўзгитган шом. *Раззоқ Абдурашид* таржимаси  
 41 Езмоғим шарт бўлган қўшиқ. *Раззоқ Абдурашид* таржимаси  
 43 Тиниқ бадавли киши ҳақида тиниқ шеър. *Раззоқ Абдурашид*  
 таржимаси  
 45 Робот ҳақида шеър. *Раззоқ Абдурашид* таржимаси  
 46 Қайтиш. *Раззоқ Абдурашид* таржимаси

#### Матей Матевски

- 48 Қўл. *Маъруф Жалил* таржимаси  
 48 Емғир. *Маъруф Жалил* таржимаси  
 50 Йўлга тайёрланиш. *Маъруф Жалил* таржимаси  
 52 Ҳарликдаги дарахт. *Маъруф Жалил* таржимаси  
 53 Енаққуртнинг излаш. *Маъруф Жалил* таржимаси  
 54 Енаққуртнинг жетиши. *Маъруф Жалил* таржимаси  
 54 Енаққуртнинг ўлими. *Маъруф Жалил* таржимаси  
 55 Эшнафия. *Маъруф Жалил* таржимаси

#### Цане Андреевски

- 58 Негиз. *Жуманиёз Жабборов* таржимаси  
 58 Енгоқ. *Жуманиёз Жабборов* таржимаси  
 59 Темпрчилар. *Жуманиёз Жабборов* таржимаси  
 60 Айвон-кема. *Жуманиёз Жабборов* таржимаси

#### Анте Поповски

- 62 Самуил. *Сулаймон Раҳмон* таржимаси  
 65 Чол ва нон *Сулаймон Раҳмон* таржимаси  
 65 Уста қўшиғи. *Сулаймон Раҳмон* таржимаси  
 66 Деразани тасаввур қилмоқ. *Сулаймон Раҳмон* таржимаси  
 66 Ватан. *Сулаймон Раҳмон* таржимаси

#### Петре М. Андреевски

- 69 Тун яримдан оғганда. *Охунжон Ҳакимов* таржимаси  
 69 Тун сайри. *Охунжон Ҳакимов* таржимаси  
 70 Тушлик. *Охунжон Ҳакимов* таржимаси  
 71 Деницияни ўпганда. *Охунжон Ҳакимов* таржимаси  
 72 Сен бўлмасанг. *Охунжон Ҳакимов* таржимаси  
 73 Олов билмас, қул ҳам билмайди. *Охунжон Ҳакимов* таржимаси

74 Ғишт терувчининг деганлари. *Охунжон Ҳакимов* таржимаси

#### **Влада Урошевич**

- 77 Жануб юлдузи. *Муҳаммад Али* таржимаси  
77 Уйқудаги аёл. *Муҳаммад Али* таржимаси  
78 Расадхонадаги тентаklar. *Исмоил Маҳмуд* таржимаси  
78 Юлдузли боғлар. *Исмоил Маҳмуд* таржимаси

#### **Пован Котевски**

- 80 Тупроқ. *Машраб Бобоев* таржимаси  
81 Аскарлар. *Машраб Бобоев* таржимаси  
84 Минвора. *Машраб Бобоев* таржимаси

#### **Михаил Ренжов**

- 86 Ғалъа. *Едгор Обид* таржимаси  
86 Соҳил узра қизғалдоқлар, какликлар. *Едгор Обид* таржимаси  
87 Шамоллар. *Едгор Обид* таржимаси.  
87 Илон. *Едгор Обид* таржимаси  
87 Чошгоҳ. *Едгор Обид* таржимаси  
88

#### **Петар Т. Бошковски**

- 90 Айвондаги ўрин. *Миразиз Аъзам* таржимаси  
90 Иблислар тенаси. *Миразиз Аъзам* таржимаси  
91 Сир. *Миразиз Аъзам* таржимаси  
91 Илон ҳақида эртақ. *Миразиз Аъзам* таржимаси

#### **Радован Павловски**

- 94 Туш пайтида ухлаб қолган йигит. *Шавкат Раҳмон* таржимаси  
95 Уч бошли Араб ҳақида уч бошли қўшиқ. *Шавкат Раҳмон* таржимаси  
96 Босқинчи Қора Араб. *Шавкат Раҳмон* таржимаси  
97 Сув босқини. *Шавкат Раҳмон* таржимаси  
98 Уруғ сочувчилар. *Шавкат Раҳмон* таржимаси  
98 Жавдар. *Шавкат Раҳмон* таржимаси  
99 Таъқиб. *Шавкат Раҳмон* таржимаси  
100 Кулоллар. *Шавкат Раҳмон* таржимаси  
100 Туш пайтида уйғонган йигит. *Шавкат Раҳмон* таржимаси  
101 Ҳозиргина ниш урган уруғ. *Шамси Одил* таржимаси  
162 Тухфа. *Шамси Одил* таржимаси  
102 Тикка кўтариллиш. *Сайёр* таржимаси  
103 Лўлилар. *Сайёр* таржимаси

## Богомил Гюзел

- 105 Достон. *Эркин Воҳидов* таржимаси  
105 Гўзаллик ханжари. *Эркин Воҳидов* таржимаси  
107 Тошга мадҳия. *Эркин Воҳидов* таржимаси  
109 Шоирлик. *Эркин Воҳидов* таржимаси

## Гордана Михайлова-Бошнаковска

- 111 Кўл. *Қутлибека Раҳимбоева* таржимаси  
111 Вақт кетиб бораётир чексизлик сари. *Қутлибека Раҳимбоева* тар-  
жимаси

## Чедо Якимовски

- 114 Кимдир менг чорлаётир. *Ҳусниддин Шарипов* таржимаси  
114 Наргиз. *Ҳусниддин Шарипов* таржимаси

## Атанас Вангелов

- 116 Гулнинг шажарасини тушунтириш. *Омон Матжон* таржимаси  
116 Шаршара. *Омон Матжон* таржимаси  
117 Соқинликни олқишлаш. *Шамси Одил* таржимаси

## Ефтим Клетников

- 120 Денгиз қирғоғида калит қолдирган аёл. *Усмон Қўчқоров* тар-  
жимаси  
120 Ярим тун. Сукунат. Бизларнинг уйда идни тўла сув. *Усмон*  
*Қўчқоров* таржимаси  
121 Қизларнинг қабрига яқин келмангиз. *Усмон Қўчқоров* таржимаси  
123 Қалъанинг олинини. *Усмон Қўчқоров* таржимаси

## Любчо Слияновски

- 126 Омбордаги осмон. *Абдулла Орипов* таржимаси  
126 Муҳаббат ва меъморлар. *Абдулла Орипов* таржимаси

## Раде Слиян

- 128 Усталар. *Сайёр* таржимаси

## Катница Чулавкова

- 130 Шеърнат. *Гулчеҳра Нуруллаева* таржимаси  
130 Музика. *Зулфия* таржимаси

**Глигор Стойковски**

133 **Жангчи** ҳақида афсона. *Гулчеҳра Жўраева* таржимаси

**Лиляна Дирия**

135 **Чизмадаги йўлбарс.** *Гулчеҳра Нуруллаева* таржимаси

**Йордан Плевнеш**

137 **Марҳум Константин шаънига** айтилган қўшиқ. *Нормурод Парзуллаев* таржимаси

*На узбекском языке*

## КРЕИОСТЬ

(Антология македонской поэзии)

Перевод с македонского на  
узбекский язык

Редактор М. Аъзамов

Расмлар редактори

И. Д. Кириакиди

Техн. редактор Т. И. Смирнова

Корректор А. Азимов

ИБ № 2289

Босмахонага берилди 05.03.84. Бо-  
синга рухсат этилди 28.05.84.  
Формати 70×84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Мелованный  
қорози. Оддий янги гарнитура.  
Юқори босма. Шартли босма  
л. 8,72. Шартли кр.-оттиск 20,02.  
Навр л. 8,0. Тиражи 5000. Заказ  
№ 1669. Баҳоси 1 с. 60 т.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт  
ва санъат нашриёти, 700129. Тош-  
кент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва ки-  
тоб савдоси ишлари бўйича  
ЎзССР Давлат комитети Тошкент  
«Матбуот» полиграфия ишлаб  
чиқариш бирлашмасининг Бош  
корхонаси, Тошкент — 700129, На-  
воий кўчаси, 30.

Қалъа: Македония шеърляти антологияси Македон тили-дан русчага сўзма-сўз тарж. муаллифи Дима Толовски; [Тузувчи ва пзоҳлар муаллифи Влада Урошевич; Сўзбоши А. Ориповники].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.—144 б.

Крепость: (Антология македонской поэзии).